



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 14-dekabr, shanba * № 48 (1160)

ФАЛЛАОРОЛЛИКЛАРНИ ҚАНДАЙ УЙФОТИШДИ?



Эртаси куни бу воқеа бутун Фаллаорол бўйлаб тарқалди. Эшитганлар "Жудаям тўғри, кимдир масалаларни шундай қўйиши, ён-атрофдаги ларни уйфотиши керак эди", деган гапларни айтишди. Ҳафта ўтиб, кўзда тутилган одамлар жам бўлишди. Кўпдан кўп гап чиқар экан.

⇒ 4-бет



«BIG UZBEK»НИНГ РИНГДАГИ ЙЎЛИ

Ўзбек боксчиларининг ашаддий ва азалий рақиблари кўп узоқда эмас. Уларнинг аксарияти Қозоғистон вакиллари ҳисобланишади. Қўшни юртда бокс анча ривожланган. Қитъа ва жаҳон чемпионатларида ўзбек боксчилари доимий равишда қозоқ спортчилари билан тўқнашадилар.

⇒ 7-бет



ШОДЛИК ВА БАХТ КУЙЧИСИ

Ҳамид Олимжон нафақат шеърят балки, халқ оғзаки ижодида ҳам салмоқли асарлар яратган. Шоир тафаккурининг бойиши, келажакда етук шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи, давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишишида онаси Комила аянинг ўрни беқисдир.

⇒ 8-бет

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч — бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри таш-

кил этишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Президентининг Японияга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 2019 йил 17-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Япония Бош вазири Синдзо Абэ, Парламентнинг Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто, Парламентнинг Вакиллар палатаси спикери Тадамоори Осима, Бош вазир ўринбосари, молия вазири Таро Асо билан музокаралар бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Япония Императори Нарухито томонидан қабул қилинади. Ташриф дастуридан, шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаока, етакчи саноат ва молия тузилмалари раҳбарлари билан учрашувлар ўрин олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Япония компаниялари вакиллари Ўзбекистондаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ўзаро манфаатли шартлар асосида жалб қилиш масалаларини кўриб чиқиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Япониянинг энг муҳим иқтисодий марказларидан бири — Нагоя шаҳрига ташриф буюриб, шаҳарлар ва таълим муассасалари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш истиқболларини муҳокама қилиш учун Аичи префектураси губернатори Хидэаки Омура, шаҳар мэри Такаси Кавамура, Нагоя университети ректори Сейичи Мацуо билан учрашади.

Музокаралар натижаси бўйича Ўзбекистон билан Япония ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, божхона, туризм, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзолашни кутилмоқда.

Президент Каэтана де Зулүэта Оутрамни қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХҲТ ДИИҲБ) Сайловлари кузатиш бўйича миссияси раҳбари Каэтана де Зулүэта Оутрамни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕХҲТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги конструктив ҳамкорлик изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди.

ЎЗА

Жавоб

Суюлтирилган газ билан таъминланмоқда

«Hurriyat» газетасининг 05.10.2019 йилдаги 34-сонда Бўстонлик тумани «Чинор» МФЙ фахрийлари Т.Қобилов ва Р.Мўминовларнинг «Кувур етказиш чала қолиб кетди» сарлавҳали шикоят хати асосида эълон қилинган мақола Бўстонлик туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Аниқлаштиришда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 30.03.2015 йилдаги 18-11-9/2654-сонли хатига асосан Бўстонлик тумани вилоят газ таъминоти тизимининг охириги нуқтада жойлашганлиги, газ транспорт тизимида босимнинг пасайиши билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги, «Ўзтрансгаз» АКнинг техник ресурс ва имкониятлари чекланганлиги сабабли, бугунги кунда «Чинор» МФЙни табиий газ билан газлаштириш мақсада мувофиқ эмаслиги маълум қилинган.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ва Бўстонлик тумани ҳокимликларига «Ўзбекқумир» АЖ билан биргаликда қиш мавсумида хонадонларни иситиш учун аҳолига имтиёзли нархларда қумир ёқилғиси етказиб берилиши белгиланган.

«Чинор» МФЙни табиий газ билан газлаштириш масаласи юзасидан муносабатлар кўпайиши муносабати билан «Ўзтрансгаз» АК ва Давлат қурилиш бўлими, «Тошкентгазтаъминот» УК мутахассислари иштирокида маҳалла фаоллари билан жойига чиқиб учрашув ўтказилиб, тушултириш ишлари олиб борилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 08.08.2018 йилдаги «Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Чорбоғ ҳудудини тартибга келтириш ва ободонлаштириш масалалари тўғрисида сайёр йиғилиш» баёнининг 7-бандида, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (ҳозирда «Ўзбекнефтгаз» АЖ, Тах.) ва «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда Бўстонлик туманининг «Дўстлик», «Беш-тут» ва «Нурчилар» МФЙлар ҳудудида янги тортилатган ва мавжуд газ тармоқлари орқали фақатгина кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий соҳа объектига табиий газ етказиб берилиши қайд этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда «Чинор» МФЙ худуди табиий газ билан газлаштириш масаласи давлат дастурига қиртилмаганили сабабли табиий газ ўтказишининг имкони мавжуд эмаслигини инобатга олиб, аҳоли хонадонларига мунтазам равишда маиший газ балонлари орқали суюлтирилган газ билан таъминлини келинаётганлиги маълум қилинади.

А.ҚОРАЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси биринчи ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси.



Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Япония талқинотлар таҳлилий маркази очилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Инновацион ривожланиш вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мутасаддилари, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ваколатхонаси, «Ўзбекистон — Япония» дўстлик жамияти вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири.
(ЎЗА фотоси).

Афсус

Қачонгача маънавиятга бефарқ бўламиз?

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги кенг қамровли маърузаларида жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотлари, жамоатчилик назорати ҳақида сўзлаб оммавий ахборот воситаларини эса «жамият кўзгу»сига айлантириш юзасидан халқчил фикрларни айтиб ўтдилар.

Аммо минг таассуфки, бугунги кунда юртимизда айрим йирик ташкилот ва муассасаларда ҳали ҳамон ОАВ билан ишлаш, ҳамкорлик қилиш ўта қоқолганча қолмоқда. Улардаги ижро интизоми ва назорати борасида қилинаётган ишлар ҳозирги янги Ўзбекистон шароитида қониқарли эмаслигини «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг матбуот идораларига юбараётган юзаки жавоб хатларидан ҳам англаш мумкин. «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва шунга ўхшаш

ташкилотларда матбуот, маънавият ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқлик оқибатида худудларимиздаги уларга тегишли объектлар ва улар билан ҳамкорлик қилувчи шох-бобларда ечимини кутиб ётган муаммолар қалашиб ётибди. Бу муаммоларнинг негизиде керак бўлса, билимсизлик, китоб ўқимаслик ва ОАВ-ларига, демакки, маънавиятга, маърифатга бефарқлик ҳам сабаб бўлса, не ажаб. Юртимиздаги йирик идора

бўлмиш «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Улуғбек Ашуров имзоси билан №08-33-61 сонли 2019 йил 12 декабрда тахририятимизга йўлланган хатда ҳам айнан маънавиятга бефарқликни кўришимиз мумкин. Унда жумладан шундай дейилади: «2020 йил учун обуна ишларини ташкил этишда «Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан бугунги кунда зарурият йўқлигини маълум қиламиз». Қизиқ, шундай йирик ташкилотда «маънавиятга зарурият йўқ» экан, демак соҳадаги муаммолар ҳам келгусида яна айни пайтдагидек давом этаверар экан-да! Қачонгача маънавият ва маърифат масаласига бефарқ қараймиз, жаноб Ашуров...лар?

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари томонидан йўлланган жавоб хатида эса бутунлай бошқа — ёруғ манза-

ра. Қўмита томонидан тахририятга келган хатда 2020 йил учун обунани ташкиллаштириш, божхона фаолиятини матбуот саҳифаларида кенг тарғиб қилиш орқали оммага етказиш, ҳамкорлик ишларини янги босқичга кўтариш юзасидан баҳамжиҳатликда ишлашга тайёр эканликларини баён этилади.

Ҳа, ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Қайси ташкилот, қайси идора бўлмасин, ўша жойдаги раҳбарнинг неки бўлса, муносабатига боғлиқ, албатта. Баҳона топаман десанг, ҳаммаша топса бўлади деганларидек, айтилик, иш олға кетмаса, у баҳона, газ етказиб берилмаса, бу баҳона, газ босими пасайиб кетса, совуқ баҳона... бўлаверди-да.

Шундай экан, «Ўзбекнефтгаз» дагилар газета ўқишга зарурият йўқ деб туришгач, биз нима ҳам дея олардик?! Майли, «зарурият бўлмаса» начора? Яна «обуна мажбурийми?» дея ёқамиздан олишмасин. Асло, ундай эмас. Мажбурий эмас. Биз фақат шунчаки бир нарсага «Ўзбекнефтгаз»нинг юқорида тилга олинган жавоб хатидаги «обуна ишларини ташкил этишда зарурият йўқ» дейилганига тушунмадик, холос.

Ҳикматулло ҚОДИРОВ.

Фаолият



Бугунги бозор талаби — тезкорлик

«Туронбанк» кўмагида «FURKAN TEXTILE» маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқмоқда

Бугун мамлакатимизда энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони айни шу мақсадга қаратилган. Унда кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.



Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш — бош масала

Давлат минимал ижтимоий стандартлари нима? Тан олиш керак, бугун ҳаммада ҳам бу тушунча ҳақида кенгроқ тасаввур йўқ. Мавзуга кириш учун гапни узоқроқдан бошлашга эҳтиёж бор.

Яшаш минимуми кўрсаткичлари давлат томонидан ижтимоий сиёсат юртида қўлланилади. Хусусан, аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун яшаш минимумидан паст, тенг ва юқори даромадли аҳоли салмоғи аниқланади. Шу асосда аҳолининг кам таъминланган қатламни қўллаб-қувватлаш учун аниқ етиб борадиган манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Ёрдам кам иш ҳақи ва пенсияларни асослашда фойдаланиладиган ушбу кўрсаткич кам таъминланганлик мезони ҳамдир. Аҳолининг минимал ижтимоий стандартларини ошириб бориш, энг кам миқдордаги ижтимоий стандартларни ишлаб чиқиш, яшаш учун керак бўлган маблағнинг энг кам миқдорини аниқлаш тизимини жорий этиш масалалари муҳим ҳисобланади. Бу Ўзбекистонимиздаги ҳар бир инсонга, сизу бизга тааллуқли мавзу.

Ижтимоий стандартлар мамлакатдаги барқарорлиқни таъминлаш ва ижтимоий таҳдидни минималлаштириш мақсадида ишлаб чиқилади, бу эса ижтимоий кескинликни пасайтиришга хизмат қилиши керак.

Ижтимоий ҳимоя тизими рангбаранг ва мураккаб масала. Ҳатто ривожланган давлатлар ҳам бу масалага узоқ йиллар мобайнида ечим излаганлар. Изчил ислохотлар натижасида давлат фуқароларнинг фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олган. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланишлари таъминланган. Ижтимоий таъминот ва ёрдам кўрсатиш давлат тизими яратилиб, ижтимоий дастурларни бюджетдан молиялаштириш йўлга қўйилган.

Ижтимоий давлат тўғрисидаги тасаввурларни равшанлаштиришда 1942 йилда У.Бевежининг Буюк Британия парламентидаги "Эркин жамиятдаги иш билан тўлиқ бандлик" машҳур маърузаси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маърузада "фаровонлик давлати"нинг асосий принциплари кўрсатилган ҳамда биринчи марта кафолатланган ягона миллий энг кам даромад гоёси илгари сурилган. Бу мақсадларга эришишда давлатнинг ижтимоий сиёсати унинг меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини тўла таъминлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур эди. Давлат инсонга турмуш кечиришининг муайян стандартларига эришиш учун шарт-шароитларни фаол шакллантириши зарур. Яъни, давлат барча ижтимоий гуруҳлар учун тенг ижтимоий имкониятларни яратиш маъсулиятини ўз зиммасига олди. Амалда бу давлатнинг нофаол бўлган ижтимоий сиёсатдан фаол ижтимоий сиёсатга ўтишини аниқларди. Бора-бора ижтимоий ҳимоянинг иқтисодий, ҳўжалик-маиший, руҳий, тиббий, юридик кўринишлари пайдо бўлди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизими ривожланиши жараёнида вазифалар янги мазмун билан бойиб бораверди.

Инсоният тараққиётнинг замонавий босқичига қадам қўйгани сари ижтимоий кафолатлар муҳим ўринга босди. Ижтимоий кафолатлар — фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган, қонун билан қўзда тутилган давлат мажбурия-

тига асосланган, узоқ муддатли ҳаракатлар механизми. Узини хурмат қилган ҳар қандай давлат ижтимоий ҳимоянинг асоси сифатида минимал ижтимоий стандартларни таъминлаш йўлини танлайди. Минимал ижтимоий стан-

дартлар — муайян мамлакат қонунчилиги билан ўрнатилган меъёр ва нормативлар бўлиши, улар ижтимоий ҳимоянинг минимал даражасини белгилаб бериши керак, ундан пастга тушиб кетиш эса мумкин эмас. Давлат минимал стандартлар тизими меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсия таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий хизмат кўрсатиш, уй-жой-коммунал хизмат кабиларни ҳам қамраб олади.

Давлат минимал ижтимоий стандартларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал миқдори, бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси белгиланади. Минимал иш ҳақи — бу номалакаланган меҳнат ишчисининг иш ҳақи даражаси бўлиб, унга ишлаб чиқаришда нормал шароитларни таъминлаш кўзда тутилган. У қонунчилик ёки махсус келишув билан белгиланади. Ривожланган давлатлар Конституциясида ўз меҳнат мажбуриятини бажарган ходимнинг ойлик иш ҳақи белгиланган энг кам иш ҳақининг минимал даражасидан

Оқибатда меҳнатга паст ҳақ тўлаш ишлаётган аҳолининг фаровонлигини сўроқ остида қолдиради, харид имкониятини камайтиради. Аҳоли харид қобилиятининг пастлиги иқтисодий ривожига таъсир қилади.

Маошлар фуқаронинг минимал яшаш эҳтиёжи учун етиши лозим. Корхонанинг барча ходимларига давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳақини тўлай олмаслиги банкротлик аломатларидан ҳисобланади. Минимал иш ҳақининг миқдори одатда яшаш учун керак бўлган энг кам маблағ билан аниқланади. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда сўнгги йилларда қонун билан белгиланган минимал ойлик иш ҳақи яшаш учун керак бўлган минимал бюджетига мос келмапти.

Шунинг учун Ўзбекистон ХДП пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, ёлғиз кексалар, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда аҳолининг бошқа заиф қатламларига пенсия таъминоти ва

ламларига бепул ижтимоий хизматлар тақдим этилишини таъминлайдиган "Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур бўлади. Ушбу қонун қабул қилинса, аҳоли эҳтиёжи ва барча ижтимоий тўловлар ҳажминини қайта ҳисоблаб чиқиш имкони пайдо бўлади. Қонунда асосий эътибор инсоннинг таълим, тиббий ва турар-жой учун сарф-харажатларига қаратилади. Қонун лойиҳасида минимал ижтимоий кафолатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бобидagi кўринишига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Бунда ижтимоий кафолатлар иш ҳақи белгилашнинг иқтисодий функцияси тикланмагунча ҳақиқий бўлолмайди.

Яъни, иш берувчи ёлланган ишчисига минимал яшаш эҳтиёжини қоплайдиган даражада ҳақ тўлай олсагина ижтимоий кафолатлаш ҳақида сўз очиш мумкин. Ижтимоий ҳимоя нўқтга назардан бу муҳим, чунки иш ҳақи — нафақат иқтисодий, балки инсоннинг жамиятдаги ижтимоий мақомини белги-

лаб берадиган ҳодиса ҳамдир. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳимоя халқро ҳамжамиятда тан олинган ва давлат томонидан кафолатланадиган ходимнинг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли физиологик, ижтимоий ва маъна-

вий эҳтиёжларини қондириш имкониятидир.

Минимал ижтимоий кафолатнинг асосий талабларидан яна бири бу ишсизликдан ҳимоя қилишнинг кафолати ҳисобланади. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим унсури ишга жойлаштириш ва қайта малакалаш саналади. Ушбу дастурларни жорий этишда давлат ва тадбиркорларнинг қатнашиши жуда муҳим. Масалан, Америка фирмалари бу чоралар учун йилига 30 миллиард доллар пул сарфлашади, аммо асосий маблағлар барибир давлат ҳисобидан келиб тушади. Пенсия таъминоти соҳасида эса давлат ижтимоий кафолатлари сифатида минимал давлат пенсиялари миқдори ўрнатилади. Халқро меҳнат ташкилоти стандартларига кўра, пенсия киши маошининг 40 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Бозор муносабатларига ўтишда ҳар бир давлатда мулкчилик шакли, табиийки, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳам ўзгаради. Мулк шакли ўзгариши билан моддий неъматлар ва хизматлар тақ-

симоти тизими қайтадан қурилади. Бозор муносабатлари шароитида инсон ўз эҳтиёжларини хусусий мулкдан олган даромади ёки ўз меҳнати учун оладиган маошдан қондиради. Бироқ ҳар бир жамиятда ўз мулкига эга бўлмаган ва касаллиги, қариллиги, ногиронлиги, вояга етмаганлиги сабабли меҳнат қилишга қурби етмайдиган аҳоли қатлами бўлади. Аҳолининг бу тоифаси ҳимоясиз ва давлатнинг ижтимоий ёрдамисиз яшай олмайди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг энг муҳим функцияларидан бири ижтимоий хизмат кўрсатиш бўлиб, бунда аҳолининг кам таъминланган қисмига стационар ва ностационар шароитларда ҳуқуқий, моддий, тиббий-реабилитация, ижтимоий-руҳий ва бошқа турдаги кўринишларда бепул хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Демак, минимал ижтимоий кафолатлар бозор муносабатлари ривожланаётган жамиятларда аҳоли ижтимоий ҳимояси тизимининг асосини ташкил этади. Бунда муайян ижтимоий аҳамиятли ҳолатларда, ижтимоий таҳдидлар туғилган тақдирда кам таъминланган кишилар ва уларнинг oilаси учун салбий оқибатларни бартараф этишга йўналтирилган чоралар, уларнинг моддий ва ижтимоий фаровонлигини мақбул даражада сақлаб қолиши ижтимоий кафолатларга киради. "Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида"ги Қонунда ана шу масалалар қамраб олинishi керак.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд кишиларга пенсия, нафақа, имтиёзлар, моддий ёрдам бериш, хизматлар кўрсатиш орқали амалга оширилади. Жаҳон тажрибаси ижтимоий ҳимоя тизимининг тўртта асосий таркибий қисмини ажратиш кўрсатиш имконини беради:

1. Меҳнатга лаёқатли бўлмаганлиги, иш жойи, даромад манбалари мавжуд эмаслиги сабабли ўз-ўзини мустақил равишда моддий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлмаган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш.

2. Давлат ижтимоий ва пенсия таъминоти. Бу иқтисодий фаол аҳолининг иш жойини йўқотиш ёки пенсия ёшига етиши билан даромаддан маҳрум бўлиш хавфидан ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бўлиб, мажбурий ижтимоий суғурталаш шаклида амалга оширилади.

3. Иштиёрли қўшимча (касбий) суғурталаш. Бу алоҳида тармоқлар ва корхоналар доирасида узоқ муддатли жамоа битимлари асосида амалга оширилади.

4. Фуқароларнинг иштиёрли равишда ўз-ўзини шахсий суғурталаш.

Янги қабул қилинадиган қонунда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, айна шу йўналишларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Шубҳасиз, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда давлат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистон ХДП аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлатнинг маъсулиятини ошириш керак, деб билади.

Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида қонун қабул қилиниши мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузини янада кўтаришга, халқимизнинг фаровонлигини оширишга, жамиятдаги барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASIDAN
KO'RSATILGAN

NOMZODLARGA OVOZ BERING!



Аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг муносиб шароитда меҳнат қилишини таъминлаш бизнинг бош мақсадимиз бўлмоғи лозим.

Афсуски, ишсизлик муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этаётган айна пайтда "мардикор бозорлари"да аёлларни ҳам кўришимиз, оғир шароитларда меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бандлиги таъминланмаган бу аёллар ёлланма ишчи сифатида турли оғир юмушларини бажаришга тайёр. Рўзғор хуржунини бўйинига олган нозик хилқат эгалари кун кўриш, фарзандаларини боқиб ушун шундай ишлашга мажбур бўлмоқда. Мардикор аёллар орасида турли ёшдаги хотин-қизлар бор. Ҳаётда қийналган, иш сўраб кўп эшикларга бош урган, ҳеч қандай натижа чиқмаган, мардикорлик қилаётган аёлларнинг қўлида касб-ҳунари йўқ, ақсарияти маълумотсиз, муқим шахсий турар-жойсиз.

Мардикор бозоридаги аёл

ёки ишсиз хотин-қизларнинг манфаатларини ким ҳимоя қилади?

Халқ демократик партияси доимий иш жойига эга бўлмай, оғир ижтимоий вазиятда қолган аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш учун мамлакатимизда янги ҳақ тизим жорий этиш, ишсиз аёлларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш зарур, деган ташаббусни илгари суряпти.

Вазият шу қадар жиддийки, мардикор бозорига чиқадиган аёлларга уй юмушларига эмас гишт куйиш, юк ташиш каби оғир ишлар ҳам юкланади. Пайти келса, ишлаб ҳақини бермаслик, мардикорлик учун ёллаб, кейин бошқа ишларга мажбурлаш ҳолатлари ҳам учрайди.

Жойларда мутасаддилар билан ўтказилаётган сайёр қабуллар чоғида ҳам ишсизлик муаммоси, аёллар бандлигини таъминлаш бўйича кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Доимий иш

жойига эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятда қолган аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ниятда долзарб вазифадир.

Аёллар бандлигини таъминлаш йўналишида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Биринчидан, депутатлик ва жамоатчилик назорати тарзида "мардикор бозорлари"ни ўрганиб чиқиш, шу асосда фуқароларни вақтинча иш билан таъминлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг нечоғли ишлаётганини аниқлаш зарур. Агар меҳнат бозорида бир марталик ишчиларга талаб юқори бўлса, жараёни ташкил этиш механизмининг соддалаштириш, ҳуқуқий меъёрларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш зарур.

Иккинчидан, бандлик ва иш-

сизликка қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга доир илғор хорижий тажрибани ўрганиш, шу асосида бандлиқни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳақида бошқа тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаб, Халқ демократик партияси фракцияси орқали олиб чиқиш лозим.

Учинчидан, хорижий мамлакатларда даража ювиш, уй тозалаш каби юмушлар учун ҳам турли фирмаларга мурожаат қилинади. "Мардикор бозорлари"да аёлларга таклиф этилаётган меҳнат турларини аниқлаш, уларнинг орасида аёллар имкониятига мос бўлган фаолият турлари бўйича Ўзбекистонда ҳам фирмалар, меҳнат биржалари фаолиятини ташкил этиш, уларга ишсиз аёлларни бириктириш, улар учун махсус касб-

хунари ўргатувчи бепул курслар ташкил этиш, аёллар бандлигини таъминловчи фирмаларнинг ўз фаолиятини аҳолига танитиш ва тарғиб қилишига шароит яратиш керак. Шунингдек, қўлида хунари йўқ, ишсиз аёлларни касаначилик фаолиятига йўналтириш ҳам муаммони енгиллаштиради.

Тўртинчидан, маълумки, аёллар турли сабабларга кўра "мардикор бозорлари"га чиқмоқда. Шулардан асосийси ишсизлик бўлса, кейинги ўринларда уй-жойга эга эмаслиги, турмушдан ажралгани ва боқувчиси йўқлиги, норасмий никоҳлар, айрим аёлларда фуқаролик паспортининг мавжуд эмаслиги кабилардир. Демак, муаммони тизимли ечиш фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан

ҳамкорликда амалга оширилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар бахтли яшамас, муносиб шароитда ишламас экан, жамият фаровон бўлмайди. Биз аёлларнинг бахтли яшаш, доимо хурмат ва эъзозда бўлишини истар эканмиз, доимий иш жойига эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятда қолган она-сингилларимизнинг оғрикли муаммоларини ҳал этиб беришимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳар бир шахс муносиб шароитларда меҳнат қилишининг тарафдоримиз!

Сайловларда партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

Малика РАШИДОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор
муdiri.

► Гурунг

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқувчи-ёшларнинг замон талаблари асосида билим олишларини таъминлаш, она тилимиз баробарида хориж тилларини ўрганиб, дунёни забт этиш давлатимиз томонидан бош мақсад қилиб белгиланган. Самарқанд вилояти, Ургут тумани Халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон Либерал демократик партияси номзоди Файрат АБДИЕВ билан суҳбатимиз айнан туманда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳамда сайловли дастури хусусида бўлди.

Ўқувчини алдаб тарбиялаб бўлмайди

— Аввало, бугунги кун кечаги даврдан тубдан фарқ қилади. Бугунги ўқувчи ички қабдан чиқиб, ташқи дунё билан юзма-юз мулоқот қилапти, халқаро миқёсда содир бўлаётган глобал ўзгаришлардан хабардор авлод ҳисобланади. Айтингни, сиз бевосита раҳбарлик вазифасини бажарётган Ургут туманидаги таълим тизимида қандай янгиланишлар бор, устозлар ва ўқувчилар ўртасидаги “Устоз-шогирд” аънасанга риоя қилинаётими? Дарслар глобаллашув жараёнига мосми?

— Ургут азалдан илм аҳли маскани бўлиб келган, ҳозирги кунда ҳам юртимиздаги нуфузли илм даргоҳларида, зиё мақомида фаолият олиб бораётган ургутлик олимлар талайгина. Барибир ҳар қандай илм қонда бўлмас авлодга юкмайди. Таълим-тарбия оиладан бошланиши тўғри, аммо ўзинг яшаб турган масканда эл назаридаги ўрнак бўлган инсонлар борлиги ҳам ўқувчида ички иштиёқни уйғотди. Уларга ўшагиса қилади, ўқийди, изланади.

Саволингизга келсак, ҳақиқатан бугун кечаги кунги дарс ўтиш усули билан ўқувчини алдаб, тарбиялаб бўлмайди. Замонга қараб таълимга янги ёндашишни давр талаб этапти. Биз, биринчи навбатда, ўрта умумтаълим мактабларимизда қотиб қолган, қолидаги эскирган дарс соатларини бир мунча такомиллаштирдик. Бунинг учун, ҳар бир мактабнинг ички тузилмаси ўрганиб чиқилди. Янгиликни хушламайдиган, дарс соатларида амалий ўқув куралидан фойдаланмайдиган, ўзининг устиди ишлашга хоҳиши бўлмаган раҳбарлар фаолиятига кескин баҳо берилди.

Шу тариқа, 2019 йилнинг февраль ойига қадар, яъни 2018 йилнинг ноябидан ўтган 4 ойда тумандаги ўрта умумтаълим мактаб-

ларида 63 марта услубий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, янгиланиши интилмаган 6 нафар мактаб директори, 7 нафар ўқув, 5 нафар маънавий-маърифий, 17 нафар хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарлари ўз лавозимидан олинди.

— Албатта, ҳар бир дарс ўқувчининг қизиқишига қараб ўтилиши керак. Дейлик, адабиёт дарсида Алишер Навоий газалиёти ҳақида ўқувчига тушунча берилар экан, улуг шоир яшаган давр ҳақида, яъни маданий ҳаёт, давлат бошқаруви, туркий тил шевалари, атамалар борасида етарлича айтилса ўқувчида газал ҳақида тушунча пайдо бўлади, англаш қобилияти уйғонади. Еки физик Исаак Ньютон олмадан бошига тушиши билан бутун олам тортишиш қонунини яратмаган, бу бир сабаб ҳолос.

Социализмдан қолган бу фалсафага ҳозирги ўқувчи ишонмайди. И.Ньютон ўзи ким эди? Тортишиш қонунини яратганча нима иш билан машғул бўлган? Унинг олиб борган тажрибалари ҳақида, албатта, айтиб ўтилиши керак, назаримда. Айтингни, дарслар қандай ўтиляпти?

— Тўғри, ҳозирда туманда фаолият кўрсатаётган 778 нафар ўрта-максус маълумотли ўқувчиларнинг 119 нафари олий таълим муассасаларида сирдан ўқимокда. Қолганларининг ҳам олий маълумотли бўлиши режамизда бор. Албатта, маълумот олий бўлгани билан қўшимча фанларни ўзлаштирмаган ўқувчи мукамал дарс ўтормайди. Шунинг учун, уларнинг билимларини ошириб бориш лойиҳаси ишланган бўлиб, етук олимларни жалб қилган ҳолда малака ошириш курслари ташкил қилинмоқчи.

Мен ўйламанки, ўқитувчидан талаб қилишдан олдин шароит яра-

тиш лозим бўлади. Бу борада тумандаги ўрта умумтаълим мактабларини замонавий технологиялар билан таъминлаш, амалиёт дарсларини жиҳозланган синфхоналарда ўтилишини ташкил этиш учун моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида маҳаллий ва инвестиция маблағлари асосида мавжуд мактабларни капитал таъмирлаш, янгисини қуриш учун биргина 2019 йилда 11 495 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Мақсадимиз ҳам туманимиздаги ҳар бир ўқувчи ўз ўқувчинини баркамол қилиб вояга етказсин, ўқувчининг мактабда олган билими мустаҳкам бўлса, ҳар қандай олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини аълога топширади.

— Ўзбекистон янгилини, юксалиш босқичида турган бир паллада мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа — 22 декабрда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига ўзлик ДеПдан номзод экансиз. Албатта, ўз дастурингиз ҳам бор, сиз депутат бўлсангиз юртининг тараққий топиши, аҳолининг фаровон турмуш кечириши йўлида қандай мақсадларни сайлов олди дастурингизга киритгансиз?

— Ўзбекистонимизнинг келажакда бунданга қудратли, очик ва рақобатбардош бўлиши йўналишида дастур ишлаб чиққанмиз. Партияимизнинг ҳам асосий мақсади, қатъий позицияси амалда ишлайдиган қонунлар тарафдорлиги, қонунос-ти ҳужжатлар билан умуммажбурий нормалар белгилашга чек қўйишдир. Биз халқ вакиллик органларининг фуқаролар учун очиклигини қўлайимиз, “Электрон парламент”, “Электрон Халқ кенгаши депутатлари” сингари тизимни ҳаётга изчил татбиқ этиш тарафдоримиз.

Янги Ўзбекистон — қонун ва адолат устуворлиги тамойиллари-



га амал қиладиган мамлакат. Шундай экан, коррупцияни бутунлай тугатиш, “Тоза қўллар” сиёсатини маъқуллаш бурчимиз.

Тадбиркорликка тўқинлик — давлат сиёсатида тўқинлик, деб тушунамиз. Қучли ва фаровон жамият қуришда рақобатбардошликка эришиш муҳим ҳисобланади. Бунда ҳар бир тадбиркорнинг эркин фаолиятига йўл очил, импорт ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсада эришишнинг энг долзарб йўлидир. Уларнинг ўсиш ва ривожланишига қўйилган ҳар қандай тўқин жамиятдаги барқарорликка путур етказди.

Энг муҳими, бизнес юртининг истиқболли халқиси мустаҳкам бўлса, келажак ишончли бўлади. Тадбиркорлик соҳасини тартибга солуви юзлаб қонун ҳужжатлари имзоланган, эндиликда “Тадбиркорлик кодексини” ишлаб чиқишда камарбаста бўлиш ҳам асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Мен ўйламанки, 2020-2025 йилларда республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вақти келди. Шу маънода, туманимизни дунё туризм марказига айлантириш, жаҳондаги энг илғор туристик шаҳарлар қаторига олиб чиқиш ҳам ҳаракат дастуримизга киритилган.

Қачонки, инсон мақсад сари интилар экан, йўлда учрайдиган баланд-пастликлардан ҳайқимасдан, олға ҳаракат қилиши, албатта, қўзлаган манзилига етиб боришида тирак вазифасини бажаради.

Бетакрор юртимиз, меҳнаткаш халқимизга садоқат билан хизмат қилиш ҳар биримиз учун муқаддас бурч, юксак шарафдир.

“Hurriyat” мухбири
Убайдулла ХўЖАНИЕВ
суҳбатлашди.

► Эътироф

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИ — ДЕМОКРАТИЯ ИФОДАСИ

Янги Ўзбекистон! Бугун ана шундай эътироф халқаро ҳамжамиятнинг эътиборида. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида бутун халқимиз янги ҳаёт, янги давлат қуриш йўлида қатъият ва изчиллик билан амалга ошираётган улкан ишларга берилётган ҳолис баҳодир.

Юртимизда қатъий сиёсий тадбир — мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлажак сайловларга қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар” деган эзу го асосида ўтажак сайловлар шу юртининг фуқароси сифатида ҳар биримиздан ушбу муҳим тадбирга онгли равишда, дахлдорлик туйғуси билан ёндашишимизни тақозо этади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 9-бандида фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлашни янада такомиллаштириш вазифаси қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакилилик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади. Зеро, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз наъбатда, жамиятимизни янада демократлаштириш, эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Сайлов кодексига киритилган энг муҳим янгиликлардан бири — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам сиёсий партиялар каби ҳар бир сайлов участкасига ўз қузатувчиларини қўйиш ваколати берилди.

Сайлов кодексига сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан сайловларда қузатувчилар иштирок этиши белгилаб қўйилган. Бунда миллий сайлов тизими тарихида илк бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан қузатувчилар иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайлов кодексининг 33-моддаси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган алоҳида низомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қузатувчиларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли), унинг ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек, фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари сайловларда қузатувчи бўлиши мумкин.

Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қузатувчилари тўғрисида деб аталган ушбу низомига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан қузатувчилар ўз фаолиятини округ сайлов комиссиялари томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз қузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссиясига сайловдан камидан ўн беш кун олдин ариза билан маълум қилади. Ариза қабул қилингандан кейин беш кун ичида округ сайлов комиссияси қузатувчиға тегишли мандатни беради.

Қузатувчилар сайлов комиссияларининг мажлисларида, номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда қатнашибгина қолмай, номзодларнинг сайловчилар билан уррашуварларида иштирок этиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш каби нараларининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг сайловчиларга берилишини қузатиш, овозлар санаб чиқарилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган қўйимча нусхаларини сўраш ва олиш, агар тегишли сайлов участкасида Сайлов кодексининг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз қузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимиз миллий сайлов тизимида амалга оширилаётган бу каби кенг қўламли ва изчил ишлар сайловларни умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очик-ошқора ва шаффоф ўтказиш, барча фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини тўла ва самарали таъминлашга хизмат қилади.

Саодат МУҲАМЕДОВА.

► Муҳда

“Scopus Award—2019”: Кучли олимлар танлови



“Scopus Award” — “Elsevier” компаниясининг дунё миқёсидаги ташаббуси бўлиб, жаҳоннинг нуфузли илмий мукофоти ҳисобланади. Мукофот олимларнинг сермаҳсул фаолиятини рағбатлантириш, зиёлилар мавқеини кўтариш, ёшлар ўртасида илмий фаолият билан профессионал шуғулланишни оммалаштиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-максус таълим вазирлиги илм-фанга ихтисослашган “Elsevier” (Нидерландия) компанияси билан биргаликда дунёнинг энг йирик илмий-таҳлилий маълумотлар базаси бўлган “Scopus” статистикаси бўйича самарали фаолият юритаётган ўзбекистонлик етакчи олимларни эълон қилди.

“Зарафшон” концерт залида бўлиб ўтган тақдирлашда бош вазир ўринбосари Азиз Абдухакимов, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, QS, “Times Higher Education” каби дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари вакиллари, компания мутахассислари, хорижлик экспертлар ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ва докторантлар иштирок этди.

“Scopus Award—2019” тақдирлаш маросимида йил давомида илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланган ўзбекистонлик олимлар ўртасида бир қатор номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

Сараланганлар орасида 28 номинация бўйича 37 нафар олим ва тадқиқотчи, 6 OTM ва битта илмий журнал тақдирланган.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги бозор талаби — тезкорлик

“Туронбанк” кўмагида “FURKAN TEXTILE” маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқмоқда



Реклама ҳуқуқи асосида

Фармонда республика тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга янада илгари суриш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсади-

да бир қатор чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Ривожланишнинг янги моделига ўтиш ҳаракатини бошлаган мамлакатимизда, барча тармоқлар иш стратегиялари қайтадан кўриб чиқилиб, замон талабига мос вазифалар қўйилмоқда. Хусусан, иктисодиётни барқарорлаштириш учун ички бозорда фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига қулайлик яратиш, миллий ишлаб чиқариш корхоналарини

қўллаб-қувватлаш кабилар шулар жумласидан. Мазкур узоқ вақтга мўлжалланган модернизация жараёнидан асосий мақсад эса импорт ўрнини босиш сиёсатидан фаол саноат ва экспорт тизимига ўтишдир.

Тўқимачилик саноатини тараққийнинг шу сингари замонавий даъватларига муносиб жавоб қайтариб, изчиллик билан ривожланиб бораётган соҳалар қаторига қўшиш мумкин. Ушбу йўналиш бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бе-

рилайтган имтиёз ва яратилаётган шароитлар натижасида, қисқа вақт ичида республикада жаҳон талабларига жавоб берувчи пахта толалари тайёрлаб, тўқимачилик матолари, тикув-трикотаж учун хомашёлар етказиб берилмоқда.

Бунинг яққол мисолини “Туронбанк” АТБнинг доимий мижозларидан бири бўлган “Furkan textile” МЧЖ фаолиятида кўриш мумкин. Тошкент шаҳар Сергели тумани “Дўстлик” мавзесида жойлашган корхона юртимиз аҳолиси учун сифатли ва ҳамёнбоп трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бозор талаб ва тақлифига асосан бу ерда эркаклар, аёллар ва болалар учун турли хилдаги кийимлар маҳоратли чеварлар томонидан тикилаётган. Аҳамиятлиси, ушбу жараёнда мамлакатимизда етиштирилган табиий, экологик тоза ва аллергия кўзгатмайдиган пахта толаларидан фойдаланилмоқда.

2018 йилда тўлиқ қувват билан ишлашни бошлаган мазкур корхона “Туронбанк” АТБнинг 3 миллиард сўмлик молиявий кўмаги эвазига Туркия ва Хитой давлатларидан сўнгги рўсумдаги, замонавий тикув ускуналарини харид қилди ва айланма маблағларини тўлдирди. Натижада, тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳажми йилига 500 — 600 минг донага етиб, уларнинг рақобатбардошлиги ошди ва экспорт салоҳияти юқорилди. Корхонада 50 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Айни вақтда “Furkan textile” томонидан ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар Россия, Исроил, Қозғистон каби давлатларга етказиб берилмоқда.

— Биз ўз олдимизга бугунги замонавий ишлаб чиқар-

ришга тўла эришиш ва экспорт боп маҳсулотлар етказиб бериш бўйича янада тезкор иш олиб бориш вазифасини қўйганмиз, — дейди “Furkan textile” МЧЖ раҳбари Олим Маматов. — Шиддат билан ўзгариб бораётган бозор талаблари айнан шундай тезкорликни талаб этади. Бошқача айтганда, корхона замон билан ҳамнафас тарзда иш олиб борсагина, ўз мавқеини янада ошириб бориши мумкин. Бизнинг “Туронбанк” АТБ билан ҳамкорлигимиз ушбу жараёнларни тезлаштиради. Мазкур молия муассасасининг кўмаги билан ўз бизнесимизни самарали ривожлантиришга эришяпмиз. Дастлабки олган кредитимиз эвазига маҳаллий хомашёларни харид қилдик. Эндиликда фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида “Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорацияси” кредит линияси маблағи ҳисобидан янги ускуналарни харид қилиш учун яна 250 минг доллар миқдорда молиявий кўмак олишни мўлжаллаб турибмиз. Асосий мақсадимиз, аввало, ички бозорни тўлдириб, сўнгра экспорт ҳажмини оширишдир.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида республикамиз миқёсида айни шу йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналар сони 12250 тага етган. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар эса асосан, Россия Федерацияси, Хитой, Туркия, Қирғизистон, Эрон каби қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Бунда эса албатта, сифатли ва тезкор молия хизматлари билан ишбилармонларга кўмаклашиб келаётган “Туронбанк” АТБнинг ўрни бор.

Х.АҲМАДЖОНОВА.

Уюшма фаолиятдан

СИРДАРЕ:

Фахрийлар эътиборда

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими томонидан оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар меҳнат қилган журналистларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг дам олишлари, саёхатларга чиқишлари, саломатликларини тиклашлари борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан Уюшма ва Республика товар-хонашў бижмаси ўртасида тузилган "Дўстлар клуби" томонидан ажратилган озиқ-овқат махсулотлари фахрий каламкашлар — Мавлуда Сиддикова ҳамда Гавҳар Бойқуловага топширилди.

Мавлуда опа 30 йиллик умрини матбуотда ўтказди. Ҳозир нафақада бўлишига қарамай туман ва вилоят нашрлари билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Уюшма ва ҳомийларимизнинг биз фахрийларга бўлган эътиборидан жуда хурсандман, — дейди М. Сиддикова. — Барча байрамларда камхарж, фахрий журналистларнинг ҳолидан хабар олиниб, озиқ-овқат махсулотлари берилмоқда. Энг аҳамиятлиси, уларнинг узоқ йиллик меҳнатлари эъзозланганидан кўнглилари кўтарилапти. Пенсияга чиққангидан сўнг, ҳамкасбларимдан анча узоқлашгандай эдим. Уюшманинг вилоят бўлими икки йилдан бери турли тадбирларга, саёхатларга таклиф этмоқда. Ана шундай тадбирларда яқин сафдошлар билан кўришяпмиз. Дилдан сўзбатлашяпмиз. Албатта, мақола ёзишдан, ёшларга устозлик қилишдан тўхтаганим йўқ. Ёш журналистларга фақат тўғри йўлни танлашларига кўмаклашяпмиз.

Дилором ИСАМАДИЁРОВА.

НАВОИЙ:

Янгиланишлар давр руҳига ҳамоҳанг

Навоий шаҳридаги "Coworking" марказида "Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамиятининг жорий йил давомида олиб борган фаолияти яқунларига бағишланган Матбуот анжумани ўтказилди.

Навоий вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари қатнашди.

Акциядорлик жамияти директорининг Молия ва иқтисод масалалари бўйича директори Бобур Исломов давлат дастурлари ва бошқа муҳим ҳужжатлар ижроси юзасидан журналистларга ахборот берди. Хусусан, вилоят ҳудудида жами 11,6 минг километрдан ортиқ электр узатиш тармоқлари мавжуд бўлиб, 2019 йил давомида 9 минг километр тармоқлар жорий, 1,1 минг километр тармоқлар мукамал таъмирланди. Бундан ташқари, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва "Обод марказ" дастурлари бўйича жами 6,9 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди. Президент фармони билан 2019-2020 йиллар давомида "Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими" (АСКУЭ)ни жорий этиш — истеъмолчиларга тўлиқ, бепул янги электр ҳисоблагичлар ўрнатиб бериш белгиланган бўлиб, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Томди, Учқудук, Қонимех туманларида мажур ишлар якунланди.

— Корхонамизга жорий йил давомида тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслардан электр тармоқларига улаш бўйича 4 минг 500 га яқин мурожаатлар келиб тушган, — деди ўз сўзида Б.Исломов. — Уларнинг 70 фоизи тўлиқ илҳомий ҳал этилган. Қолгани бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Матбуот анжумани давомида ютуқлар билан бирга соҳадаги камчиликлар ҳам тилга олинди ва уларни бартараф этиш юзасидан қилинаётган ишларга атрафлича тўхталиб ўтилди.

Отабек АСЛОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Навоий вилояти бўлими раиси.

Ислохот одимлари

Ғаллаоролликларни қандай уйғотишди?

Салоҳиддин ота Назаров саксон бешинчи ёшга қадам қўйди. Бугун умри эл-улус орасида ўтганлиги учун табиатан атрофда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмайди. Ҳозир ҳам телевидение орқали Президентимизнинг чекка вилоятлардан бирига ташрифи ҳақидаги махсус кўрсатувни зўр қизиқиш билан томоша қиларди. Ҳа, Юртбошимизнинг ҳар бир ташрифи алоҳида мактаб. Қаранг, юртимизда қандай ажойиб ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳамма нарса инсоннинг яхши яшашига хизмат қилишига йўналтирилган. Бу янгиланишлар бахри-дилнинг очади. Лекин кўнглини хижил қиладиган нарса — бундай ислохотлар Ғаллаоролда қачон бўлади? Битта ҳокимнинг 7-8 нафар ўринбосари бўлса. Папка кўтарган амалдор кўпу лекин натижадан дарак йўқ.

Шундай ўйлар билан ўтирганда туман ҳокими ўринбосари кўнгирик қилди: ҳокимлик залида катта йиғилиш бўлади, сизни таклиф қиламиз. Телефон қилган одам қўшиб қўйди: мажлисда Президент администрациясидан маъсул ходим иштирок этади.

Ҳа, дилдаги гапларни айтиш пайти келибди. Айтилган вақтга борса, одамлар энди йиғилаётган экан. Туман ҳокими Жалолддин Окбев оқсоқол билан куюқ кўришиб, тепага ҳайрат аъзолари ўтирадиган жойга таклиф қилди. "Сизнинг таърибангиз бизга керак, Салоҳиддин ака" дея сўз қотди.

Анжуман аввалида туман раҳбари йиғилганларга кун тартиби бўйича маъруза қилди. Бугунги давр янги талаблар қўяётган, ислохотлар томошабилликни қабул қилмаслигини, ўзгаришлар ҳар бир фуқародан фойдалик кўрсатишни тақозо этаётганлиги хусусида гапирди.

Салоҳиддин ота залга назар ташлади. Қатнашчиларнинг баъзилари мудраб ўтирар, муҳожима этилаётган масалага эътиборсизлиги шундоқ кўришиб турарди. — Бугунги йиғилишимизда Ғаллаоролда узоқ йиллар раҳбар лавозимида ишлаган Салоҳиддин Назаров иштирок этаётдилар. Оқсоқолга сўз берамиз, — туман ҳокими таклиф қилди.

Салоҳиддин отанинг илк сўзи ёз осмонда янраган момақалдиқдек бўлди.

— Сиз, ҳоким, жуда тўғри вазифалар ҳақида гапирдингиз. Президентимиз, даврнинг ўзи ҳақиқатда ҳаётини масалаларни кун тартибига қўйяпти. Лекин ҳозир атрофингиздаги мана бу одамлар билан ислохот қилиб бўлмайди. Уларнинг ўй-хаёли қандай қилиб чўнтакни қаппайтириш билан банд. Ғаллаорол қай аҳволга тушди? Битта амалдорнинг беш минг туп дарахтни пуллаб юборди. Туман маркази тобора хароб аҳволга тушяпти. Ғаллаорол ўзи оти билан Ғаллаорол эди, бир вақтлар 100 минг тоннадан ошириб ғалла берган. Энди эса 8 — 10 минг тонна атрофда қоляпти. Биз шунчалик назардан қолдикки, Ғаллаорол станциямизга поездлар тўхтамайдиган бўлди... Бундай оташин чиқиш ҳамманинг эъти-

борини ўзига тортди. Айниқса, юқори идорадан келган вакил "Турни, сизга раҳмат" деган сўзларни айтди.

Энди нима қилиш керак? Бу саволга ҳам Салоҳиддин ота ўзи ечим таклиф қилди: — Туманимизда 300 та қишлоқ бор. Ҳар бир қишлоқдан икки нафардан ҳақиқий ватанпарварни чақирсақ, 600 та бўлади. Улар дил-дилдан ўз юрти учун ёнадиган, Ғаллаоролнинг менинг ўз уйим, уни обод қилиш, аввало, бизнинг вазифамиз дейдиган одамлар бўлиши керак. Менга Форишдан Эркин Қозоқов телефон қилди. У ерда ислохотлар шу қадар авжга чиқибдики, ҳозир Форишнинг танимай қоласиз. Битта гап айтмай. Фориш тарихи ҳақида 600 бетлик китоб яратилибди. Ҳар кун мактабларда шу китобдан бир неча саҳифа ўқилар экан. Бунинг тингланган болаларнинг кўзи ёнариши. Ана шундай кайфият бизда борми? Менда таклиф бор. Бошланғичия чин ватанпарварлар билан гаплашайлик-да, туман ахлига Мурожаат қабул қилайлик.

Эртаси кун бу воқеа бугун Ғаллаорол бўйлаб тарқалди. Эшитганлар "Жудаям тўғри, кимдир масалани шундай қўйиши, ён-атрофдагиларни уйғотиши керак эди", деган гапларни айтишди. Хафта ўтиб, кўзда тутилган одамлар жам бўлишди. Кўпдан кўп гап чиқар экан. Ҳар ким кўнглидаги гапни айтди. Ғаллаоролликлар орзу-армони, уй-андишаси ифода топган Мурожаат вужудга келди.

1926 йилда ташкил этилган Ғаллаорол тумани бугун Ўзбекистон миқёсида алоҳида даврга эга бўлган. Бу заминдан не-не олим фозиллар, вазирлар, маданият ва санъат арбоблари етишиб чиққан. Ғаллаорол 60 минг тоннагача мева-сабзавот тайёрлаган. Бугун шу кўрсаткичнинг ярми ҳам йўқ. Кўпни курган, бой тахриба тўлган ёши улуг инсонлар туманимизнинг азалий шурхатини тиклаш мумкин, деб ўйлайди. Биз киндик қони тўқилган, бугунги кунда эл-юртга танилган ғаллаоролликларга мурожаат қиламиз. Кичик ватанингиз гуллаб-яшнашига арзирли хисса қўйишга аҳд қилсангиз, қандай яхши бўлади.

Аҳолининг каттагина қисмини ташкил этувчи оловқалб ёшлардан умидимиз катта! Сизлар чинакам жўшқинлик ва ташаб-

бускорлик кўрсатиб меҳнат қилиш, янгиликлар яратиш борасида ўзалингизни кўрсатиш пайти келди. Янгиланган Ўзбекистонда янги давр талаблари асосида фаолият юритиш ёшларимиз ғайрат-шижоатда намоён бўлиши керак. Илгари фалон мактабдан битирувчиларнинг 70-80 фоизи олий ўқув юртига кирди, деган кўрсаткичлар фахр билан тилга олинарди. Кейинги пайтларда бу рақам жуда пасайиб кетди. Орияти, гурури бор ёшлар астойдил изланиб яхши натижаларга эришишлари керак. "Тоза жойга фаришта келади" деганларидек, шаҳару қишлоқларимиз қанчалик кўркам бўлса, заминга файзу барақа кўнади. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, электр энергияси ва газ етказиб бериш ночор аҳволда. Бу борада хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари жон койитсалар, эл-улус рози бўлади.

Туман далаларида турфа хил нозеъматлар етиштирилади. Лекин бозорларда файз йўқ, нарх-наво осмонда. Халқнинг турмуш даражаси айнан бозорларда акс этади. Келинлар, ишни оқилона ташкил этиш ҳисобига бозорларда тартиб ўрнатайлик.

Ғаллаорол шаҳри ва тумандаги айрим аҳоли пунктларида ер устига яқин бўлган сизот сувларини қочириб, янги коллекторлар қуриш, мавжудларини таъмирлаш устувор вазифалардандир.

Туман бўйича 90 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги экинларига яроқли ерлар мавжуд. Бу жуда катта имконият. Шунча экинзорнинг умрини беҳуда ўтказаятганимиз кечирилмас хатоидир. Ахир бир вақтлар тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича Ғаллаорол мактаби яратилган эди-ку! Бу борада ишларни оқилона ташкил этсақ, аввало, халқимиз баҳраманд бўлади. Айнан бизнинг туманда деҳқончилик академияси яратилган, биздан бошқалар ўрганиб келган. Туманимизнинг тўрт томонида тоғлар бор. Ана шу худудларда pista, бодом боғлари яратилса, катта ҳазинага эга бўламиз.

Бизнинг халқимиз, Юртбошимиз айтганидек, бахтли яшашга ҳақли. Биз ҳаммиса эслаймиз, Президентимиз 1996 — 2001 йилларда вилоятимизда ишлаганларида ин-

сон ҳаётини яхшилаш учун бирор масалани ёддан кўтармаслик кераклигини ўқитардилар. Уша талаблар қанчалик адолатли эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Бу фикрлар туман ҳокимлиги ва Нурунийлар кенгаши аъзолари номидан тайёрланган Мурожаатда баён этилди ва туман газетасида эълон қилинди. Ҳамма бу Мурожаатни қизиқиб ўқиди. Ғаллаорол туман маркази қурилиш майдонига айланди. Одамларнинг юқори кайфиятда ҳаракат қилиши ҳамманинг ҳавасини уйғотди. 2019 йил баҳори ва ёзида ислохотлар шиддат билан амалга оширилди. Туман марказидаги бозорда 400 та дўкон қурилди. Катта йўл ёқасида 73 та ичма дўконлар барпо этилди. Замонавий имкониятларга эга 327 квартиралар тўрт қаватли ўй-жой бинолари бунёд этилди. 11 та янги боғча қад ростлади. 3 та янги мактаб қурилди, 11 та мактаб реконструкция қилинди. Қўйтошда 60 ўринли тикув фабрикаси вужудга келди. Санъат саройи (кутубхонаси билан), шифохона, мактаблар янги маскан сифатида эл кўзида намоён бўлди. 12 маҳаллада 7500 хонадонга газ келтирилди. 54 км. йўлга асфальт ва шағал ётқизилди. Санокли ойлор ичида йилларга татийдиган ўзгаришлар рўй берди. Усамт мулошида Жамшид Ҳасанов ташаббуси билан янги шифохона бунёд этилди. Бу қурилишлар неча-неча одамларни иш билан таъминлади.

Қурилиш тўғрисида туман ҳудудида ободлик манзаралари кўзга ташланган сайин одамларнинг эртанги кунга ишончи ошяпти. Рўйи бардамлик бевосита ислохотлар иштирокисига юқлган ғаллаоролликларга куч-қувват ато этилди. Аҳолининг ҳар бири рўй бераётган ўзгаришларга ўзини дахлдор деб билиши аини мудоаодир.

Қисқа фурсатда аввалги қурилишлар ўтмишга айланмоқда. Ғаллаорол янгиланган Ўзбекистонда яратилаётган кўркам ва ҳавас қиладиган умумий фонга уйғунлашиб бормоқда.

Шундай ўзгаришлар бардавом бўлсин. Бу истак ёши улуг, мўстабар нурунийларнинг дуосида янграмоқда.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган журналист.

Хат тахирисиз босилмоқда

Шу юрт фуқароларидан бири сифатида мен ҳам кейинги йиллардаги ўзгаришлардан мамнунман. Кўп соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самара бера бошлади. Оддий халқнинг кўкрагига шамол тегадиган кунлар келди деб севиндик. Аммо ўзига қулай бўлган эски тартибни ўзгартирмай, одамларни сарсон-саргардон қиладиган «тўралар» ҳамон борлиги мени ранжитди. Бунга мисол кўп. Турли оммавий ахборот воситаларидаги хабарлар, атрофимиздаги одамларнинг гап-сўзлари шундай ҳулоса қилишга ундайди. Биргина ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, ёшим бир жойга борганда шу қалар оворагарчилик, бепасандликка йўлиқман деб ўйламаган эдим...

Чилонзор туманида яшайман, иккинчи гуруҳ ногирониман. Мазкур туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошлиғи Отабек Сафаровнинг 2014 йил 14 октябрдаги 123/3-сонли қарори билан менинг ойлик пенсия пулимин 50 фоизга қисқартириб, 187500 сўмга тушириб қўйди. Натижада 2015 йил давомида мендан 2500 000 сўм ушлаб қолинди. Бу эса қонунларимизга ҳилоф, конституцион ҳақ-ҳуқуқларимни очик-ойдин поймол қилиш эди. Чунки, Бош Қомусимизнинг 39-моддасида: "Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг микдори расман белгилаб қўйилган тиричилик учун зарур энг

Амалдорлар қилмишига жазо борми?

кам микдордан оз бўлиши мумкин эмас"лиги қайд этилган. Оқибатда бу ишни суд орқали ҳал қилишга тўғри келди. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судида менинг пенсиямдан ушлаб қилинишига сабаб бўлган вақтинчалик кўрсатишнинг "3. Салоҳиддиновнинг боласи йўқлигини кўрсатиб ёзган аризаси сабабли, унга нафақа тўлаб келинган. Аммо кейинчалик аризачининг фарзанди борлиги текширув жараёнида аниқланган. Шу боис 3. Салоҳиддиновга ёлғиз сифатида устама нотўғри белгиланганлиги маълум бўлган ва юзгага келган 2550323.32 сўм ортиқча тўланган. Пенсиянинг 50 фоиздан ортиқча тўланган маблағ ундирилгунча ушлаб қилиш ҳақида қарор қабул қилинди". Аслида, бу бошдан охир ёлғон кўрсатма. Чунки менга тегишли 1340147-сонли пенсия ишида, тегишли вазирликка 1999 йилда ёзган аризамда 16 ёшли ўғлим борлиги ва у онаси билан алоҳида яшайи кўрсатилган. Бундан ташқари, тегишли вазирликнинг 1999 йил 5 декабрдаги 2686-сонли хатига ва Шайхонтоҳур туман ижтимоий таъминот бўлимининг фармойишига биноан 2000 йилдан бошлаб нафақамга 875 сўм устама

ҳақ тўлана бошланган. Жавобгарнинг ишончли вакили М. Йўлдошев ва бунга ҳисобга олмасдан, ҳуқуқсиз бўлган суд жараёнида нотўғри кўрсатма берди. Ҳеч бир нафақахўр ўзига ўзи устама белгиламайди-ку! Қонунга ҳилоф равишда чиқарилган Чилонзор туман пенсия жамғармаси бошлиғи О.Сафаровнинг 2014 йил 14 октябрдаги қарорини бекор қилиш ўрнига Учтепа туманлараро суди судьяси Д. Эргашев жабранувчининг "Шикоят ариза"сини рад қилиш хусусида "Хал қилув қарори" чиқарган.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ижро этувчи аппаратининг 2014 йил 27 сентябрда тузилган "Маълумот"ида қуйидагича тавсия берилган: "Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати томонидан тузилган ишчи гуруҳи ўтказган қисқа муддатли ўрганишда мавжуд ҳужжатларга асосан аниқланган ҳолатларни Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда тасарруфидоги туман бўлиmlарининг малакали ходимлари таркибидан тузилган ишчи гуруҳи жойига чиққан ҳолда бирламчи ҳужжатларга асосан қўшимча ўрганиш ташкил этиш, натижаси бўйича "Далолатнома" расмийлаштириш

ҳамда аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш тавсия этилади". Афсуски, ушбу тавсия талаблари баҳарилмади. Ушбу "Маълумот" билан танишиб, менга тегишли қисмидан нусха олишни сўраб О.Сафаровга мурожаат қилганимда, у рад этди. Бу ҳужжатларсиз мен судга шикоят ариза ёзолмай, 5 ой овораи сарсон бўлдим. Холбуки, Конституцияимизнинг 30-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим"лиги кўрсатилган. Бундан ташқари, 2014 йил 5 ноябрь куни мен О.Сафаровни Пенсия жамғармаси биносида тасодифан учратиб қолдим ва "қарор чиқаришга шошилибсиз, 187500 сўм билан бир ой яшаб бўладими?" дедим. У эса мени уч киши олдида ҳақоратлади. Мен ноҳақ бўлган тақдиримда ҳам (ваҳоланки, ҳақ эдим) отаси тенги одамга кўпол муомалада бўлиш мансабдор шахсга, қолаверса, ҳар

қандай одам боласига хосми?

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди судьяси Д.Эргашев эса О.Сафаровнинг ушбу камчиликларига эътибор қаратмади, унинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини очиб берувчи "Шикоят ариза"даги 7 та далилдан бирортаси суд томонидан ўрганилмади. Қисқаси, судья касб малакасининг етишмовчилиги ёки бизга номаълум бошқа сабаб билан чиқарилган 2015 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори нотўғри экани ўз исботини топди. Ушбу қарор Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Апелляция судлов ҳай'атининг 2015 йил 25 сентябрь кунги ажримига асосан бекор қилинди. Ушбу ажримда шундай дейилади: "Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чилонзор туман бўлими пенсия таъинлаш бўйича комиссиясининг Салоҳиддинов Заҳрирдин Салоҳиддиновичга 2002 йил 1 августдан 2014 йил 14 октябргача ёлғиз ногирон сифатида 2550323.32 сўм ортиқча тўланган маблағни пенсиянинг 50 фоиздан ушлаб қилиш ҳақида 2014 йил 14 октябрдаги 123/3-сонли қарори гайриқонуний деб тоғилиб, бекор қилинсин". ...Салоҳиддинов Заҳрирдин Салоҳиддинович фойдасига етказилган маънавий зарар учун 150000 сўм ундирилсин". Ҳа, тўраларча муносабатда бўлганларнинг чиқарган қарорлари гайриқонуний деб тоғилиши мен излаган адолатни қисман кўрсатди. Аммо ўз ҳуқуқларимни тиклаш учун 5 йил овораи сарсон бўлиб, соғлигимга, оила бюджетига етказилган зарар 150000 сўм билан баҳолангани адолатдан эмас. Бу мени ёш боладек кўриб,

қўлимга хўрозқанд тутқазгандай ган-ку?!

Ўрганишларим мобайнида шу маълум бўлдики, бу икки мансабдор шахс (О.Сафаров, Д.Эргашев) биргина пенсия масаласи юзасидан қатор қонунбузарликларга йўл қўйган. Бу ҳақда мен бир қанча юқори идораларга йўллаган хатларимда ҳам батафсил ёзганман.

Ҳўш, менга ва мен каби кўтлаб пенсионер, ногиронларга етказилган бундай моддий ва маънавий зарарлар учун ким жавоб беради? Мен ўз ҳақ-ҳуқуқларимни танганим босис сарсон бўлсам-да, курашдим. Бошқалар-чи, "Э, Худого топширдим" деб қўл силтаб кетувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқини ким тиклаб беради? Суд ва бошқа соҳалардаги ислохотлардан қўзланган мақсад инсон ва унинг фаровон турмуши эмасми, аслида? Амалдорларга ҳам қўлимизга яраша жазо борми ўзи? Кимга кўп ҳуқуқ берилган бўлса, у ҳақ бўлиб қолаверадими? Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида бугунги саъй-ҳаракатларимизнинг бари халқимизнинг саодати учун, дея бежиз тақдорлар қоритмоқдами? Мен шикоят аризамни тегишли ташкилотларга, нашрларга бердим, аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Ушбу менинг орқали яна сурамоқчиман: менга етказилган моддий ва маънавий зарарни ким тўлайди? О.Сафаров ва Д.Эргашевларни гайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун ким ва қачон жавобгарликка тортади? Пенсионер ва ногиронлар улар хатосидан жабр чекиб кетаверадими?

Заҳрирдин САЛОҲИДДИНОВ,
иккинчи гуруҳ ногирони,
Тошкент шаҳри.

Ха-ёт

ФИРИБГАР

ёхуд ҳожатбарорлик ниқоби остидаги “жилвакор” олам



Ҳар қандай ишни бисмиллоҳдан бошлаб, яхши ният қил, акс ҳолда шайтон аралашади, дейди кўпни кўрган кексалар. Бировнинг ҳақиқага хиёнат қилма, ҳалол луқма еганнинг ишида ҳам, умрида ҳам барака бор, дейдилар. Бугун бундай табаррук каломни айтиб, ёшларга ушбу ҳақиқатни эслатиб, англитиб турадиган тарбия мезонларига нима бўлди? Кексалар тилида тез-тез такрорланувчи шу сингари донишмандона фикрлар ноёблашгандек. Шунинг ҳисобига бўлса керак, шайтонга ҳам дарс берадиган товламачи, фирибгарлар кўпайиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Таассуфки, атрофимизда бўлаётган воқеалар, тарқалаётган хабарлар, сулларда кўрилатган ишлар айнан шуни тасдиқламоқда.



...Бир кўшимизнинг барваста, келишган ўғли бўларди. Кўпчилик шундай фарзанди, кўеви бўлишини орзу ҳам қилган. Айтишларича, автомобиль олди-сотдиси билан шуғулланар экан. Аввалига юриш-туришидан ўта сипо, маданиятли кўринган бу азамат йигитнинг секин-аста миси чиқа бошлади. Кўлоп каби алмаштириб минадиган машиналари, аслида, бировларнинг пули эвазига олинар экан. Худди Аҳмадбойнинг пирамидасидек ўзига “кичик корхона” очган, Али берган пулни Валига тутқазиб, шу билан қарзлардан қутулиб юрди дейишди. Ҳар қандай баланд чўққининг сўнгги нуқтаси, ҳар бир кудукнинг туби кўрингани каби бундай пирамидаларнинг ҳам ниҳояси бор. Ана шу ниҳоя э энг охирида пул тиккан одамни ёки унинг ташкилотчисини хонавайрон қилиши турган гап. Бизнинг “намунали” йигит ҳам урина-сурина ахирги сўнгги манзилга етиб келди. Остонасини чуқур қиладиганлар кўпайгандан-кўпайди. Бундан хавотирланган ота-она йигитни бир кечаси узокроққа жўнатиб юбордилар. Сувлар тиниб, тўзон босилгач, уни йўқлаб борсалар, кимсасиз, қаровсиз бир жойда омонатчини топширган экан. Ҳақнинг ҳаққи, омонатга хиёнат оғир гуноҳ деб бежиз айтилмаган. Қолаверса, бандаларидан чоған билан Яратганнинг ҳукмидан қочиб бўлмаслиги яна бир бор тасдиқини топди.

Ихтимоий тармоқлар ҳам шу сингари фирибгарлик йўли билан “ризиқ” топишга уринаётганлар ҳақидаги хабарлар билан тўла: “Тошкентда товламачилик билан шуғулланган шахс кўлга олинди”, “Фарғонада тадбиркордан 60000 АҚШ доллари талаб қилган аёл ушланди”, “Андижонда сохта ИИБ терговчиси кўлга олинди” ва ҳоказо. Хатто хорижликлар ҳам бундай “сийлов”дан бенасиб қолмаяпти: “Тошкентда ҳар қандай муаммони ҳал қилиб беришини ваъда қилиб хорижий компания вакилидан 300 минг АҚШ доллари яқин пул олган шахс ушланди”...

Яна бир мисол. Яқинда Бош прокуратура хузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда тез-тез тадбир ўтказган. Маҳмама матбуот хизмати хабарига қараганда, битта гуруҳга бирлашиб олган товламачилар фуқаро Б.С.нинг бир аёл билан ишқий муносабатда бўлган ҳолатини видеотасвирга олишган. Шуни иш жойинг ва оила аъзоларига маълум қилмади, деб кўриктиб, ундан 50 минг АҚШ долларини талаб қилди. Фирибгарлар ушбу маблағни олаётган вақтида ушланган.

Энди жорий йилнинг сентябрь, октябрь, ноябрь ойларига жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судида кўрилган ишларга эътиборни қаратсак. Шаҳзод Дадахўжаев муқаддам уч

марта судланган. У “SHOH MEGA INVESTOR” МЧЖ раҳбари эди. Ўз фаолияти давомида имзоларни қалбакилаштириш, алдаш, ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганининг мулкани кўлга киритиш унга чўт эмаслигини кўрсатди. “Давр банк” ХАТБ томонидан Ж. Нурматовнинг номига расмийлаштирилган 10 миллион сўм кредитини кўлга киритиб, ушбу маблағ эвазига берилиши лозим бўлган телевизор, кондиционер, музлатгични бошқа шахсга сотиб юборган. Пулларни эса ўз эҳтиёжига сарфлаган.

Минг афсуски, авваллари бир оғиз ёлгон гапирса, изза бўладиган ўзбек аёли бугун фирибгарлик, товламачиликда эркакларни йўлда қолдириб кетяпти. Раъно Аҳорова ҳам шулардан бири. У Шайхонтоҳур туман Ш.Абзалов кўчасида яшовчи Н.Ибрагимовга чет элдан арзон нарҳда шакар олиб келишни ваъда қилиб, ундан 4400 АҚШ долларини олгану гоийб бўлган. Ёмони шуки, бундай кимсалар текин луқманнинг таъминоти топишгач, биринчи ҳолат билан чеклиниб қолмайди. Бу аёл кейинги гал Солижон Одилов деган ҳамтововги билан келишиб, Қарши шаҳри “Шўртангаз-маҳсулот” МЧЖда ишлаб чиқариш лувчи қарбамид маҳсулотини олиб келиб сотишни режа қилган. Шуни мазкур туман “Тинчлик” даҳасида яшовчи З.Мирагзамовнинг қулоғига қўйиб, ундан 25000 АҚШ доллари сўрайди ва бунинг эвазига катта даромадга эга бўлишини ваъда қилади. Аммо унинг режаси амалга ошмайди ва тегишли органлар олдида жавоб беришига тўри келади.

Тошкентлик Муҳаббат Исроилова эса бундай ишларнинг пири бўлиб кетган. Муқаддам тўққиз марта судланган. Ҳа, товба деб ёқа ушламасдан илож йўқ! Қора курси га қадар кўп ўтирган аёл қайси юз билан яна, ўзинчи бор одамларни алдаш, чун туширишни ўзига эп кўрди экан? Гадои бир эшикдан ўтгунча деганлари шу бўлса керак-да! У хавфли рецидивист, бунинг устига пенсия ёшидаги аёл... Унинг қилмишларига бир эътибор беринг. Дастлаб Ж. Матазимовани “Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой бўлимида ишлайман, эгасиз қолган уйлари сотиш билан шуғулланаман” деб алдайди. Истаса унга ҳам шундай уйлاردан олиб беришини айтади. Сўнг навбатдаги овга чиқади. Бу гал ўзини Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлимида ишлайдиган урдабурон қилиб кўрсатади ва кам таъминланганлар, ногиронлар учун тўрт хонали

уйлар ажратилаётганини айтади. Р.Нурмухамедова ўз оёғи билан келган бундай “ҳожатбарор”нинг этагидан маҳкам тутиб, унга 10 000 АҚШ долларини бериб юборган. Буни қарангки, кейинги “қурбон”и кап-катта эркак — А.Рустамовни ҳам шунга ўхшаш гаплар билан ўраб-чирмаб, ундан 7000 АҚШ доллари ундирган.

Худди шу каби фирибгарга алданиб, дод-вой қилиб юрганлар оз эмас бугун. Очиги, улар айбни ўзидан ҳам қидирса ёмон бўлмасди. Содда дилликми бу ё лақмаликми, нима деб атасак-да, муҳими, ана шу хислатимиз билан товламачини кўпайишига йўл очяпмиз.

Юқорида донишманд кексаларимизнинг пурҳикмат сўзлари, табаррук каломлари ноёблашиб бораётганини таъкидладик. Ёшларга насихат қиладиган паллага етган, олтимышдан ўтган аёлнинг қилмиши шу бўлгач, фарзандларига қандай ўрнак бўлиб, набираларига нима деб ўғит бериш? Кўпинча ёшларни беандишалликда, шаккокликда айблаймиз. Шундай аҳволда ёшларни айблагга ҳаққимиз бормикин? Насихату ўғитни маънавий ҳаққи бор инсон берса ярашмай-дими?!

Ҳар сўздан ҳикмат, тилидан бол томиб, орияту гурурдан сабоқ берувчи бобо-у бувиларга бугун кўп хонадонларда катта эҳтиёж туғилмоқда. Уларнинг борини асраб-авайлаш, ҳаётини тажрибаларини ўзлаштиришга қачон вақт сарфлаймиз?

Жаноби Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг энг яқин сафдошлари (ва куёвлари) Ҳазрат Алига айтган шундай каломлари бор: “**Ё, Али, мунофиқда уч аломат бор: сўзласа ёлгон сўзлайди, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади**”. Биз юқорида кўриб ўтган кимсаларда мана шу уч аломатнинг бари борлигига гувоҳ бўлдик. Бунинг устига ёшларга, фарзанду набираларининг ҳаққи бўлмиш, тарбия аталмиш неъматга ҳам ёмон таъсир эътипти бу қилмишлар. Шунинг ўзи ҳам омонатга хиёнат эмасми?

— Кейинги вақтларда жамиятимизда ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштириш, яъни фирибгарлик жинояти тез-тез содир бўлмоқда, — дейди Юнусобод туманидаги Камалиддин Ориф Ал-Бухорий жоме масжиди имом ноиб Садриддинхон Исоқов. — Аждоллари динун диёнат, ахлоқ-одоб, ор-номус, ҳалолу покликка одатланган халқимиз орасидан мазкур жиноятга қўл ураётганларнинг учраши ачинарли ҳолдир. Холбуки, динимизда бировнинг молини алдов, фирибгарлик, чун тушириш йўли билан ўзлаштиришдан қаттиқ қайтарилган. Куръони каримда бу ҳақда шундай баён этилган: “**Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз!** Билатуриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли

билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга хавола этмангиз!” (Бақара сураси, 188-оят). “Фириб” сўзи форс тилида алдаш, йўлдан оздириш, макр-хийла маъноларини билдиради. Шу ишни қилган ёки буни касбга айлантириб олган кимса фирибгар дейилади. Ҳозирги вақтда фирибгарлик, ўғрилиқ шу қадар кўпайдики, улар кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб: имтиҳонларда, тижоратда, ҳатто никоҳ муносабатларида ҳам одамлар ёлгонни кенг ишлатишмоқда. Сир эмаски, баъзи кишилар одамлардан қарзга ёки шерикчиликка, деб пул олиб, охиروقибат уни қайтармай, ўртада низо чиқиши, яқин кишилар бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Албатта, зарурат учун қарз олиш ёки шерикчилик билан шуғулланиш мумкин. Бироқ олган қарзни пайсалга солмай қайтариш, шерикчиликка эса хиёнат қилмаслик лозим. Акс ҳолда бошланган ишлар ортага кетиб, касодга учраши тайин. Бу ҳақда пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: “**Ким одамларнинг молига талафот етказиш (чун тушириш) учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзига талафот етказиши**” (Имом Бухорий ривояти). Айниқса, савдо-сотик вақтида харидорга фириб бериш, масалан, айбли молни айбини яшириб сотиш ёки сохта молни асл мол деб сотиш энг оғир гуноҳдир...

Ҳа, ҳар бир қилмишнинг икки қидирмиши бор: фирибгарга шариат жазосидан ташқари қонунларимиз ҳам тегишли қорани кўради. Жиноят кодексининг 165- ва 168-моддаларига кўра, товламачилик ва фирибгарлик учун жазо турлари кўрсатилган. Товламачилик учун 3 йилдан 5 йилгача, такрор содир этилганда, 5 йилдан 10 йилгача, яна қайта содир этилса, 10 йилдан 15 йилгача жазо тайинланади. Фирибгарлик учун ҳам шу сингари жазо қоралари белгиланган.

Бундан ташқари, Конституциямизга мувофиқ мулк унинг барча шаклларида дахлсиздир ва унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиқ этилади.

— Фирибгарлик, товламачилик, ёлгончиликка бир қатор психологик омиллар сабаб бўлади. Аввало, бу йўлга кирадиган кишилар болалигида носоғлом муҳитда улғайган бўлиши мумкин, — дейди психология фанлари номзоди Одина Отажонова. — Ота-она ўртасидаги муносабатнинг ёмонлиги, фарзандлар олдида уларнинг бир-бирини алдаси келгусида болаларининг ҳам ҳаётида такрорланади ва шундай яшаш мумкин экан деган хулоса шаклланади. Табиийки, бундай оилада бола ўзи эришолмаган бирор натижага алдов йўли билан эришмоқчи бўлади. Дастлаб бундан бироз хижолат чеккан ва уни ҳеч ким тергаб, танбех бермаган бўлса, кейинги гал бу анча осонлашади. Қарабсизки, у ўзи тўқиган эртаққа маҳлиё бўлиб, ўзи ҳам ишона бошлайди. Секин-аста бу унинг ҳаёт тарзига айланади. Атрофида бундай йўл билан узокқа бориб бўлмаслигини уқтирадиган одам бўлмаса, келгусида у товламачиликни касбга айлантириб олиши ҳеч гап эмас. У ҳеч қанор асл қиёфасини кўрсатмайди, ҳатто ўзи билан ёлғиз қолганда ҳам хатоларини тан олишини истамайди. Фирибгарлар кимни қандай ишонтириш мумкинлигини яхши билишади. Шунга яраша эҳтиёт чораларини ҳам кўриб қўйиб, ўзини оқлашни ўринлатишади. Шундай маълумотлар ҳам борки, улардан яхши психолог чиқар экан. Кўпинча фирибгар одам яхши кийинишни ва мулоимликни одат қилади. Айрим таникли кишилар, файласуфларнинг диққатни тортувчи гаплари, фикрларини ёдлаб олиб, бошқалар эътиборини ўзига қаратишга уринади...

Дарвоқе, “Парвона” спектаклидаги Ўтқурийни эсланг. Ширин забонию, хушомадларини билан қисқа вақт ичида бир оиланинг барча аъзоларини ўзига ром этиб, боғлаб лақиллатди. Жамиятимизда, ён-атрофимизда ўтқурийлар бор экан, худди шу ҳолга тушмаслик қораларига эга эмасмиз. Фақат кўзни каттароқ очиб, аввал ўзимизни, сўнг одамларни англашни ўрганайлик!

Холлада ФАЙЗИЕВА

Дунёда нима гап?

«FORBES» рўйхатида Ангела Меркел биринчи Кучли учталиқка Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директор Кристин Лагард ва АҚШ Конгресси вакиллар палатаси спикери Нэнси Пелоси кирган.




Нашрнинг ёзишича, европаларнинг анти иммиграция кайфиятига қарши курашиб келатган Ангела Меркел тўққиз йилдан буён ушбу рўйхатда пешқадамлик қилади.

Нэнси Пелоси АҚШ Президенти Дональд Трампга импичмент эълон қилиш гоёси ташаббускорларидан ҳисобланади. Бу таклиф уни дунёдаги таниқли аёллар рўйхатида учинчи ўринга кўтарилиш имконини берди.

Шунингдек, мазкур рўйхатда америкалик телебошловчи Опра Уинффри (20-ўрин), Буюк Британия Қироличаси Елизавета II (40-ўрин), АҚШ Президенти Дональд Трампнинг қизи ҳамда маслаҳатчиси Иванка (42-ўрин) номлари ҳам киритилган.

Россия Марказий банки раиси Эльвира Набиуллина 53-ўринни эгаллаган.

Бишкек шаҳри зарар кўрмоқда
Экологлар Қирғизистон пойтахтининг ҳавоси ўта ёмонлашганлиги борасида жамоатчиликни огоҳлантирмоқда.



“Move Green” ҳаракати Бишкекда ҳаво ифлосланиш даражасини ўлчовчи бир нечта мосламалар ўрнатган. Бу мосламалар ўлчовларига кўра, ноябрь ойида Бишкек ҳавоси дунёдаги энг ифлосланган ҳаволардан бири дея тан олинган.

Яқинда Қирғизистон пойтахтининг марказий майдонида #Бишкек Смог деб номланган тинч акция бўлиб ўтди. Ҳавонинг ифлосланишига қарши ҳаракатлар асосида ташкил этилган акция иштирокчилари майдонга респираторларда келишди.

Акциянинг мақсади Бишкекдаги ҳавонинг ёмонлашуви билан боғлиқ муаммага расмийлар эътиборини қаратишдан иборат эди.

Фаоллар шаҳардаги яшил худуд майдонларини кенгайтиришни ва дарахлар кесилишини тўхтатишни, тартибсиз равишда кўп қаватли бинолар қурилишига барҳам беришни ва муқоабил энергия манбаларини ҳаётга татбиқ этишни талаб қилмоқда.

Францияда пенсия ислоҳотлари юзасидан порозилик
Франция бош вазири Эдуар Филпп мамлакатдаги пенсия ислоҳоти кечиктирилишини маълум қилди.



“Associated Press” хабарига қайд этилишича, бош вазир Париждаги матбуот анжуманида шундай баёнот берган.

Унинг сўзларига кўра, янги қоидалар 1975 йилдан сўнг туғилганларга тааллуқли бўлади.

Пенсияга чиқиш бўйича энг кам ёш 62 ёшлигича қолади, лекин тўлиқ пенсия олиш учун фуқаролар 24 йиллик меҳнат фаолияти ҳисобига эга бўлиши керак.

Ислоҳотларга оид янгиликлар 2022 йилдан жорий этилади, деб қўшимча қилди вазир.

Швециялик экоҳаракат фаоли “Йил одами” бўлди
“Time” журнали табиатни асраш ва икклимий ўзгаришларга қарши кураш бўйича жонбозлик кўрсатган Швециялик экоҳаракат фаоли Грета Тунбергни “2019 йил одами” деб эълон қилди.

“Шу тарихда Грета 92 йиллик тарихда бундай номга эга бўлганлар ичида энг ёши бўлди”, дейилади нашрда.

Маълумот ўрнида, Грета Тунберг 2018 йили швед парламентидаги икклим ўзгаришларига қарши ташаббусларидан сўнг дунё бўйлаб машҳурликка эришган.

Унинг ташаббуслари кейинчалик бутунжаҳон ҳаракатига айланган.

Жорий йилнинг сентябрь ойида бу кизча БМТда иштирок этиб, дунёнинг етакчилари “болаликни ўғирлашда” айблаган эди.



Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

ХАЛҚИМИЗ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ — МАЖБУРИЯТИМИЗ!



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июль кuni Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида депутатлик шарафи ҳар кимга ҳам на-сиб этавермаслигини, бугунги кун депутати — фикри-зиكري билан халққа энг ақин одам, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс бўлмоғи лозимлигини таъкидлаган эдилар.

Давлатимиз раҳбари шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятига ҳам

объектларни қайта тиклаш ва уларни имкон қадар асл ҳолида сақланишини таъминлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни муқаддас қадамжолар, моддий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тадқиқ этиш, таъмирлаш борасида улкан ишлар олиб борилаётганида ҳам қўриш мумкин. Бу борада Халқаро ташкилотлар билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бунинг самараси ўлароқ, юртимиздаги қўллаб-меъморий-тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

биан ҳамкорликда ҳар бир ҳудуд кесимида Дастур ва Йўл харитаси ишлаб чиқдик. Ва, барча бўғиндаги аъзолар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, тегишли идора вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Шу тариқа 2018 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида мамлакатимиздаги барча тарихий объектлар хатловдан ўтказилди. Ушбу тадбир натижасида жами 7 577 та моддий-маданий мерос объекти ўрганилди. Шундан 827 та объект йўқ бўлиб кетгани, 6750 та объект сақланиб қолгани, шунингдек, давлат рўйхатига киритишга тавсия этилган жами 310 та янги моддий-маданий мерос объекти борлиги аниқланди.

Таҳлиллар натижасида шу нарса маълум бўлдики, давлат ҳимоясига олинган объектларнинг 25 фоизидан муҳофаза белгилари — ёрликлар мавжуд бўлган, холос, 5000 дан ортмига бундай белгилар умуман қўйилмаган. Аксарият маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари тайёрланмаган, ҳатто чегаралари белгиланмаган. Энг ёмони, айрим объектлар маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга бериб юборилган ёки тарихий объектларга тегишли ҳудудлар хусусий уй-жой эгаларига сотиб юборилган.

Олиб борилган ишлар натижасида қаровисиз ётган айрим обидалар маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, экин майдони ёки чорва моллари боқиладиган ҳудуд сифатида фойдаланиш ҳолатлар ҳам аниқланди. Қўллаб-ёдгорликларнинг реставрация ишлари мутахассис эмас, арзон ишчи кучининг жалб қилиниши оқибатида уларнинг тарихийлигига путур етказилган. Натижада 300 дан ортмига обида жиддий шикастланган.

2018 йилнинг 19 декабрига келиб, айна шу масалада Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси ҳақида"ги ахбороти парламент қўйи палатасида эшитилди. Эртаси кuni эса вазириликка партия томонидан ўрганилган моддий-маданий мерос объектлари ҳақида маълумотлар ҳудудлар кесимида фотоальбомлар тақдим қилинди.

Таъкидлаш лозимки, бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз натижа-

сида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига эса жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Тўғри, сайловга санокли кунлар қолганида, биз ҳам сайловчига бир умар долзарб туолган, аммо амалга ошмайдиган ваъдалар бериб, ишонч қозонишимиз мумкин. Аммо биз ўз қатъий позициямиз ва сайловолди дастуримиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ва яқин келажақда амалга ошириладиган ишларимиз ҳақида маълумот берамиз. Маданий мерос объектлари ҳақида гапириш айрим партия вакиллари тилидан тушмаётган Олий ўкув юртлири контрактини бекор қилиш ғояси олдида унчалар долзарб кўринмаслиги ҳам мумкин. Аммо ота-боболаримиздан қолган бебаҳо бойлик ҳақида, фарзандларимиз ва, албатта, набираларимизга қолдирилган бекиёс неъматлар ҳақида қайта-қайта гапираётганимиз бежиз эмас. Биз Ўзбекистон деган қадимий юрт, ўз даврида макеги, мартабаси, маданияти ва илмий салоҳияти билан ном қозонган халқ бугун ҳам тенглар ичра тенг бўлиши энг аввало ўчмас қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ эканини тушуниришга уриняёмиз.

Гўшнинг баҳоси ким кўп гўшт истеъмол қилаётгани ёки 5 нафар аъзоси бўлган оиланинг бир ойда 2,5 миллион сўмга ҳаёт кечириши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар миллионлаб юрдошларимиз эътиборини тезда ўзига қаратишига шубҳа йўқ, албатта. Шунга қарамай, "Миллий тикланиш" мавжуд вазиятга оғир ва вазмин қарашга, сайловчиларнинг ҳис-туйғуларига даҳл қилмаслик йўлидан боришга қарор қилди.

Туризмни ривожлантиришга оид ташаббусларимиз ҳам "ярқ" этиб сайловчи эътиборини тортмас. Аммо миллионлаб иш ўринлари яратиш имконини берувчи ушбу ғоя ишсизлик балоси илдизига болта билан уришга тенг даражада натижа беради.

Маълумки, 2016 йил 2 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда "Ўзбекистон Рес-



публикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди.

Мазкур ҳужжатларда аънавий маданий-тарихий туризм баробарида, унинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, даволаш-соғломлаштириш, спорт, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик турларини кенг оммалаштириш, соҳани комплекс ривожлантиришга доир миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, хорижий мамлакатларнинг шу фаолият билан шуғулланадиган ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, республикамизнинг барча ҳудудда туризм индустрияси объектларини жойлаштириш, тизим учун етук кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш каби вазифалар кўзда тутилган бўлиб, ушбу йўналишда муайян чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Соҳада бошқарувни такомиллаштириш мақсадида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси негизда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди. 2017 йилнинг 12 июлида эса давлатимиз раҳбарининг "Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимларининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий қилинди. Бир ойна ўтиб — 16 августда "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлан-

тириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор билан биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди, унинг ижроси устидан тизимли назоратни олиб бориш учун Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси бу борадаги қўнунларимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, уларга ҳуқуқий ечим топиш борасида ҳам реал ишларни амалга оширмоқда. Биз амалдаги қўнунлар, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш даражасини бу борадаги энг катта камчилигимиз, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам сайловолди платформамизда соҳани талаб даражасида такомиллаштиришни асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгилан олдик.

2017 йили Ўзбекистонга қарий 2 миллион 700 минг, 2018 йилда 5 миллион 300 мингдан ортмига сайёҳ келган. 2025 йилда юртимизга ташриф буорадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллионга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадани эса 2 миллиард доллардан ошириш кўзда тутиляпти.

Шу ўринда, партия билан Маданият вазирилик ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланганини, бу муаммоларни масалаларни четдан туриб эмас, балки соҳа вакиллари билан елкама-елка туриб ҳал этиш имконини бераётганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Матбуот хизмати.



тўхталиб, улар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармаётгани, устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф, ташаббуслар деярли сезилмаётганига эътибор қаратгандилар. Хусусан, "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятига тўхталиб, партия миллий меросимиз ва қадриятларимизни тиклаш, уларни янада бойитиш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантиришга муҳим вазифа сифатида қараши мақсадга мувофиқ эканини тилга олгандилар.

Юртбошимиз яна бир муҳим масала — тарихий обидаларимизни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аجدдоларимизнинг қадамжоларини обод қилиш бўйича олдимизда қанчадан-қанча вазифалар турганини айтиб, "Миллий тикланиш" партиясига Маданият вазирилик ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориш бўйича ҳам бир қатор тавсиялар бергандилар.

Маълумки, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, бундай

Аммо шунинг ҳам қайд этиш жоизки, бугунга келиб, глобаллашув жараёнларининг кўлами шунчалар кенгайдики, бу ҳудудлар инфратузилмасининг кескин ўзгаришига ҳам таъсир этади. Шунинг билан шунинг, бугун дунёда тарихий ёдгорликларга бўлган эътибор сувайди. Айрим объектлар йўқолиб кетиш даражасига етиб қолди. Баъзи иншоотларни эса инсоният йўқотиб ҳам бўлди.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилнинг 16 январидан "Моддий-маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Фармойишни қабул қилинди. Унинг доирасида мазкур объектлардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

Шундан кейин биз тарихий обидаларнинг бугунги ҳолатини ўрганиш, туризм соҳасини янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Маданият вазирилик ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

Олдимизда жуда катта улуг вазифалар мужассам. Энг аввало, узлуксиз тарбия тизимини яратиш, жиддий ислохотга муҳтож бўлиб қолаётган таълим тизимида болаларимиз учун билимни, фидойи, ўз касбини том маънода кадрлайдиган, энг муҳими меҳнатга яраша рағбатлантирилган педагоглар ишлаши учун шароит яратиш, парламентни чинакам халқ уйига айлантириш, туризм ва халқ таъбиотини ривожлантиришга доир қўнун лойиҳаларини ишлаб чиқиш — давр талабидир.

Партияимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда парламент ўрнини кучайтириш, фуқароларнинг депутатларга бўлган ишончини қозониш муҳим, деб ҳисоблайди ва парламентни том маънода халқ уйига айлантириш учун курашимиз даркор.

Биз шунингдек, Ўзбекистон фарзанди қаерда ўқиси, ишлашидан қатъи назар унинг ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилиниши учун ҳуқуқий асослар яратиш даври келди, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу қатламни амалда қўллаб-қувватлаш

Парламент халқ дарди билан яшаш керак

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари бугунги ўзгаришлар фақат сайлов учунгина амалга оширилмаётганини таъкидламоқдалар. Шу йил 22 декабрда ўтадиган сайловдан кейин аҳолининг талаб ва истақларидан келиб чиққан ҳолда 45 та янги қўнун лойиҳасини парламент қўйи палатасига киритишга ҳозирлик кўряпти.

мақсадида солиқ амнистиясини эълон қилиш ташаббусини илгари суряёмиз. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги янгилишларга ишониб, очик, шаффоф фаолият юрита бошлаган тадбиркорларимиз яқин ўтмишдаги хатолари тўғрисида яна жарималар тўлашга мажбур бўлишяпти. Солиқ амнистияси айнан ана шундай тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Тиббиёт тизимидаги ислохотлар йўлини кенг очиб ушбу эса тиббий сугурта тизимини яратиш ва халқ таъбиотига кенг йўл очиб ушбу қўнунчиликни такомиллаштирамиз.

Узоқ йиллар давомида оила институтига юзаси эътибор қаратганимиз оқибатида ёш оилалардаги ажралишлар сони йилдан-йилга ортми бораётди. Бунинг олдини олиш учун эса аёлларга кулай шароит яратиш, хусусан, опа-сингилларимиз иш вақтини қамайтириш ва ойлик маошларини ошириш ташаббусини илгари суряёмиз.

Тўғри, 2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббускорлик ҳуқуқи асосида 8 та қўнун лойиҳасини киритган бўлса, унинг 7 тасида партияимиз фракцияси аъзолари иштирок этди. 2016 йилда 11 та

қўнун лойиҳасидан 8 тасида, 2017 йилда 27 та қўнун лойиҳасидан 20 тасида, 2018 йилда 23 та қўнун лойиҳасидан 19 тасида, 2019 йилда 17 та қўнун лойиҳасидан 10 тасида фаол иштирок этдик.

Фракцияимиз ташаббуси билан бир қанча Парламент назорати тадбирлари ҳам амалга оширилди. Жумладан, қўмиталарда 2015 йилда 2 та, 2016 йилда 3 та, 2017 йилда 1 та, 2018 йилда 2 та, 2019 йилда 1 та парламент ва фракция эшитувлари ташкил этилди.

Аммо бугунги сайловчилар парламентга, аниққас, сиёсий партияларга ишончсизлик билан

қараётгани бежиз эмас. Бу сайловчи ишончи суистеъмол қилингани, сайлов арасида берилган ваъдалар ваъдалигича қолиб кетгани оқибатидир. Шунинг учун ҳам юрдошларимизни юқоридагидек рақамлар, ҳисоботлар қизиқтирмайпти ҳозир. Нимаики гапириляётган, кўрсатилган бўлса, фақат сайлов учун, сайловчини ишонтириш учунгина, деган қараш шаклланиб қолди. Аммо "Миллий тикланиш" номзодлари сайловдан кейингина асосий ишлар бошланганига амин бўлишларини таъкидлаётганлар.

Дунёда рўй бераётган ўзгариш-

Азиз юрдошлар!
Ўзгаришларни энг аввало, ўзимиздан бошлайлик.
Қўлни-қўлга бериб, жамиятимизни ўзгартирайлик!
"Миллий тикланиш" демократик партияси номзодларига овоз беринг!

лар, манфаатлар тўқнашуви натижасида содир бўлаётган қарама-қаршилиқлар, маънавий-маърифий дунё саҳнасига кузатилаётган тўлқинлар чиндан ҳам сайловчи ишончи оддий ишонч эмаслигини англатиб турибди. Иқтисодиётдаги бекорорлик, бир қатор соҳа ва тизимларда коррупциянинг чуқур илдиз отгани, коммунал тўловлар тизимининг мукамал эмаслиги, янги иш ўринлари гўё ҳисобот учунгина яратилаётгани, амалдаги қўнунларнинг кўп ҳолларда ишламаётгани, суд-ҳуқуқ тизимининг очик эмаслиги, меҳнат мухожирлари масаласи, аёллар, ёшлар борасидаги муаммолар эса инсонни ўзгартирмай туриб, чиндан ҳам жамиятни ўзгартириб бўлмайди, деган гоёнинг ниҳоятда ҳаётий эканини кўрсатяпти. Ва биз бироз вақт ўтиб, бугунги дебатлар, учрашув ва мулоқотлардаги ваъдаларимиз қуруқ ва таг заминсиз ваъдалар эмаслигини албатта исботлаймиз.

Нодир МУХТОРОВ,
"Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

► Улуғ аждодларимиз

Чочий Фахруззамон

Қадимий Шош, яъни Тошкентда яшаб ижод этган адиблардан бири Бадриддин Чочийдир. Бадриддин Муҳаммад 1285 йили зиёли оиласида туғилган. Болалиги Тошкентда ўтган. Кейин Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўқийди. Бўлажак шоир шеърят ва санъат билан бирга, замонасидаги барча билимларни, хусусан, табиий фанларни яхши эгаллайди, закий билимдон сифатида шаклланади. Замондошлари эса буларни эътироф этишди. Мамлакатдаги нотинчлик, тахт-тож учун курашларнинг авж олиб кетиши сабабли Бадриддин Муҳаммад Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатта жўнайди.



Кичик Осиё ва Арабистон ярим ороли шаҳарларини кезиб чиқади. Маккада бўлади. Тарихий манъбаларга қараганда, у ҳаждан қайтишда 1333 йили Ҳиндистонга боради ва Дехли султони Туғулук Муҳаммад саройига ишга қиради. Адабий қобилияти, зукколигини муносиб тақдирлаб, Туғулук Муҳаммад Бадриддин Чочийга 1344 йили Ҳиндистон султонлари томонидан таъсис этилган «Фахруззамон» — «Замона фаҳри» унвонини беради. Бадриддин Чочий бир қитъасида ўз қобилияти ҳақида фахрия сифатида қуйидагиларни ёзган эди:

*Худовандо, маро дар илми манқул,
Забону дидаи дил гашт бино.
Суй маъқул тирам дастрас ҳаст,
Агарчи нестам чун пури Сино.*

(Эй, Худо! Диний билимларда тилимни равон, дил кўзини равшан эттинг. Сино фарзанд бўлмасам ҳам дунёвий билимларда ўқим нишонга тегади).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтмишда Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга бориб яшаган ва ишлаган олим ҳамда шоирлар жуда кўп бўлган. Лекин улардан фақат Бадриддин Чочийгагина «Фахруззамон» унвони берилган. У 1346-1350 йиллар орасида Дехлида вафот этган.

Шоир Дехли султонлари даргоҳида ишлаган бўлса-да, муҳтожликда яшаганга ўхшайди. Чунки унинг девони тарқибдаги шеърларда ҳасби ҳол моҳиятидаги ғазаллар мавжуд. Қуйидаги мисралар шундан далolat беради:

Заифтар шуда з-он муй дидаеки зи дард,

Дар оби дидаи худ хору пинҳонаст...

Ба шакли тори бирешим ки дар бари чанг аст,

Низору зор пур аз тоб саҳт нолон аст.

(Дардан заифлашган киприклар кўз ёшлари орасида хору пинҳондир. Унинг ҳолати калтақдан ҳар лаҳзада нола чекувчи чангининг ипак торларига ўхшайди).

Чочий, шубҳасиз, кўплаб илмий асарлар, дostonлар ҳамда ғазаллар яратган. Ҳатто ўтмишда Бадриддин Чочий девонларидаги шеърларни шарҳловчи, изоҳловчи алоҳида китоблар, луғатлар тузилган. Таъкирларда (ўтмишда антологиялар шундай номланган) Бадриддин Чочийнинг туғулуқийлар сулоласи тарихи тасвирига бағишлаб, Фирдавсийга эргашиб, 30 минг мисрадан иборат «Шоҳнома» битгани ҳам қайд этилади. У 1345 йили 2 минг байтдан иборат шеърлар девонини тузган. Унда қасида, ғазал, қитъа, рубоий сингари жанрлардаги шеърлар жамланган.

Бадриддин Чочий форсий тилдаги шеърятда қасида жанрини янги тараққиёт босқичига кўтарган санъаткордир. Шоир аънагага кўра, ўз қасидаларида у ёки бу тарихий шахсларни мактамайди, балки Ҳиндистон табиатининг бетакрор гўзалликларини тасвирлайди, баҳорнинг жозибали манзарасини чишиш орқали ўқувчи қалбига табиат кўрғичи, ҳаётга, яшашга завқ-шавқ уйғотади. Бадриддин Чочий ғазал ва рубоийларида ўзига хос бадиий санъатларни ишлатади, турли хил мажозий образлардан, ҳаётни лаҳзалардан усталик билан фойдаланади. У бошқа санъаткорларда учрамайдиган бадиий тасвирий воситалардан фойдаланган. Шунинг учун ҳам ўтмишда «Чочий девонига шарҳлар», «Бадриддин Чочий қасидаларининг шарҳи» деган, шоир шеърларини тушуниш ва таҳлил қилишга ёрдам берадиган алоҳида дастурий китоблар яратилган. Чунончи, «Ғиёс ул-луғат» муаллифи Ғиёсиддин ибн Жалолиддин, «Шарҳи қасоиди Бадри Чоч» қўланмасини ёзган бўлса, 1848 йили Чочий шеърларига Муҳаммад Усмон Қайс икки жилдан иборат кенг камровли шарҳ яратгани ва уни «Нухай Усмонхон» деб атади. Афсуски, ана шу забардаст адиб меросидан бизга юздан зиёд қасида, ғазал ва рубоийларигина етиб келган, ҳолос. Мазкур шеърлар Бадриддин Чочийнинг чинакам табиат ошиғи, гўзаллик шайдоси, инсонпарвар шоир эканини кўрсатади. Шоир ўз асарларини ўша давр аънарасига кўра форсий тилда ёзган. Аксарият шеърларида Бадриддин Чочий ишқ-муҳаббатни ўзига хос нафисликда тараннум этади, илм-маърифатни, юксак инсоний ахлоқ-одобни тарғиб қилади. Уларда образлиликка эришиш учун табиатдаги нарса ва ҳодисалар хоссасидан фойдаланади:

Хар он каски дар ишқ сим камтар дорад,

Монанди бунафша пушти чанбар дорад.

Гул бо ин рухи сурху даҳони хандон,

З-онки дар миён ҳама зар дорад.


(Ишқда олтини бўлмаган киши орқасига чамбарак осган бинафшага ўхшайди: лола юзининг кизиллиги-ю оғзининг кулгуда эканлигининг сабаби, унинг бағрида зари бўлганлигидандир). Бу ерда шоир бинафшанинг мотам либосилигига ю курқовлиги ва лола барглари ўртасидаги сариқ кукунчаларга ишора қилмоқда.

Бадриддин Чочий асарларини Шарқ илм-фанининг билимдони, шоир ва таржимон Анисий ўзбек тилига таржима қилган. Унинг қасидаларини моҳиятга кўра, уч силсилага бўлиш мумкин. Бир туркум қасидаларда шоир туғулуқийлар сулоласи ҳукмронларини мадҳ этади. Уларни адолат-пеша, маърифатпарвар, илм-адаб аҳлининг ҳомийси эканлигини таърифлайди. Бир неча қасидалар баҳория моҳиятида бўлиб, уларда табиат, турфа хил жонотлар айрича жозибадорликда, ўзига хос рангу оҳангларда васф этилган. Бундай қасидалар табиат тасвирига бағишланган шеърятнинг юксак классик намунаси ҳисобланади. Адиб қасидалари ноёб тарихий манбалар ҳамдир. Зероки, бир силсила қасидаларида Чочий туғулуқийлар сулоласининг салтанатдорлиги тарихини шеърят орқали тадрижий тақомилда тасвирлаган. Уни ўқиган китобхон кўз ўнгига кўна Ҳиндистоннинг ўша асрдаги тарихи яхлит тарзда намоён бўлади.

Хуллас, Бадриддин Чочий қасидалари оддий васфийларига бўлиб қолмай, катта маърифий, тарихий моҳиятга эга асарлардир. Улар китобхонга оламжаҳон адабий-эстетик завқ бағишлаш билан бирга ҳинд халқи тарихидан муайян даражада билим ҳам беради.

Таассуфки, бу катта ижодий меҳнат ҳамон рўёбга чиқмаёттир, яъни Чочий асарларининг таржимасини нашр этиш ҳамон пайсалга солиб келинмоқда.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор.



«BIG UZBEK»нинг рингдаги йўли

► Бокс

Ҳамма ҳам дуч келганга мушт туширишни ўйлаб спорт залига бориб машқ қилмайди. Бу ҳар қандай одамга эриш туюлиши табиий. Аммо спортнинг бокс тури айнан ана шу қоидага қурилган. Истайсизми, йўқми боксчи рақибининг юзига мушт тушириши, зарбани аниқ ва кучли тарзда йўллаши дозим.

Кейинги пайтларда ўзбек боксчиларининг зарбасини қабул қилган рақиб боксчилар уларни анчагина эслаб юришяпти. Бир сўз билан айтганда, ўзбек боксчилари шиддатини қандай қайтариш мумкин деган саволга жавобни бугун Куба, АҚШ, Қозоғистон, Россия чарм қўлқоп усталари кўпроқ ўйлашяпти.

Мамлакатимиз бокс мактаби дунёда биринчи қаторда эътироф этиляпти. Бу ҳам бўлса юртимизда спортнинг бокс йўналишида ажойиб авлоднинг вояга етгани билан боғлиқ.

ФУТБОЛДАН УСТУН КЕЛГАНДА...

Боксчиларимиз орасида бўйи баста ва оғирлиги бўйича етакчи саналган Баҳодир Жалолов номи алоҳида эътироф этиш жоиз. «BIG UZBEK» номи билан машҳур бўлаётган юртдошимизнинг рингда кўтарилишини бутун дунё интиқлик билан кутаяпти, томоша қилапти.

Айни пайтда унинг спорт формаси мукамал даражага етган. Буни у шу йил Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида исботлади.

Баҳодир Жалолов Сурхондарёнинг Сарийосиё туманида туғилган. Барчамизга маълумки, Сурхондарё курашчилар, полвонлар юрти. Баҳодир бокс тўғрагига боргунга қадар футбол билан шуғулланган. Ундаги бу қизиқишни кўрган отаси уни футбол мактабига олиб боради. Уч йил футбол билан шуғулланиб, болалар ўртасидаги турли мусобақада ҳам қатнашади.

— Аммо бир куни отам: «Сен футболчи эмас, боксчи бўлишинг керак!» деб, бокс билан шуғулланишимга чорлади, — дея болаликдаги хотираларини эслайди Баҳодир.

Унинг боксга бўлган қизиқишини ўз вақтида пайқаган отаси ўғлини Чирчиқ шаҳрига бошлаб келади. Шу тарихи Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи унинг иккинчи уйига айланади. Бу даргоҳ ёш боксчининг ҳаётида катта из қолдирди. Мақсад ва орзулар ёш боксчини тинимсиз ишлашга, меҳнат қилишга ундади. Фақат биринчи бўлиш умиди ёш спортчини бир сония ҳам тарк этгани йўқ. Устозлар Тўлқин Қиличев ва таниқли боксчи Рустам Саидовдан жанг олиб боришнинг сир-синаотларини ўрганди.

«РИО»ДА ЧЕККАН АЛАМЛАР

Баҳодир юртимиз шарафини бир неча йилдан буён халқаро майдонда ҳимоя қилиб келаяпти. Ҳаваскор боксда у жаҳон ва Осиё чемпионатларида, турли халқаро мусобақаларда доимий иштирок этмоқда. Осиё чемпионатида 2017 йил Тошкентда ва 2019 йил Таиланд пойтахти Банкокда олтин медални қўлга киритди. Аммо боксчимизнинг мақсади дунё рингларини, Олимп чўққисини забт этиш эди. Тўғри, қитъада ҳам биринчи бўлиш осон баҳарилладиган юмуш эмас.

2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезонлик қилган ёзги Олимпия ўйинларида боксчиларимиз қандай каромат кўрсатгани ҳали ёдингиздан кўтарилмаган бўлса керак. Океан ортида бутун дунёни лол қолдирган боксчиларимиз орасида Баҳодир Жалолов номи ҳам бўлиши керак эди. У мазкур Олимпиядага катта марралар ва орзулар билан боргани рост. Лекин ундай бўлмади...

Яккакураш спорт турларида иштирок этаётган ҳар бир спортчи борки, Олимпияда чемпионлигини қўлга киритиши орзу қилади. Бутун фаолиятда давомида шунга интилиб, яшайди. Баҳодирнинг ҳам энг катта орзуси ёзги Олимпияда ўйинлари олтин медалини қўлга киритиш. Рио-де-Жанейрода армонга айланган орзунини ушатиши яна тўрт йилга ортга сурилган бўлса-да, у бу йўлдан чекингани йўқ.

АМЕРИКАДА МАҲОРАТИНИ ОШИРДИ

Олимпиядадан кейин Баҳодир Америка Қўшма Штатларига йўл олди. Энди у ҳаваскор боксдан профессионал боксга қадам қўйди.


Унинг бу йўлни танлагани тўғри бўлгани Екатеринбург рингларида яққол намоён бўлди. Қарийб икки йил

давомида профбоксда олган таҳсил ва маҳорати унинг хатти-ҳаракатларида, аниқ ва кучли зарбаларида намоён бўлди. АҚШдаги фаолият уни ҳар томонлама «пишитгани» рост.

Баҳодир ва океан ортида профессионал боксда фаолиятини давом эттираётган юртдошларимизнинг барчасида бундай юксалиш, ўсишни кузатиш мумкин. Профессинал бокс ҳаваскор боксга қараганда спортчини анча чинқиради ва унга руҳий далда беради.

Суперогир вазнда проф-рингдаги дебют жангида Мексика вакили Уго Турихильяно мағлуб этди. Айни пайтда ҳамюртимиз ёшлар ўртасидаги супер вазнда Шимолий Америка камари соҳиби ҳисобланади. Бу камарни шу йил апрель ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган

шувга сабаб бўлди. Мазкур жанг юртдошимиз иштирокида энг чиройли баҳслардан бири бўлди дейиш мумкин. Баҳснинг дастлабки раундидаёқ жағидан кучли зарбани ўтказиб юборган америка вакили сониялар ичида рингга кулади. Шифокорларнинг ёрдамига қарамай, у жангни давом эттириш у ёқда турсин, ўзига келиши қийин бўлди. Торресни рингдан шифокорлар замбилда олиб чиқиб кетгани ёдимизда. У рингдан тўғри шифохонага олиб борилган. Ҳамюртимиз ҳалол жанг қоидага амал қилиб, шифохонага тушган рақибни ҳолидан хабар олди ва у билан дўстона суҳбатлашгани орада гина қолмаганини бутун дунё спорт нашрлари эълон қилди. Дунё биринчилигининг ярим финалида эса россиялик Максим Бабанинга ҳеч қандай имконият қолдирмасдан финалга чиқди.



Торресни рингдан шифокорлар замбилда олиб чиқиб кетгани ёдимизда. У рингдан тўғри шифохонага олиб борилган. Ҳамюртимиз ҳалол жанг қоидага амал қилиб, шифохонага тушган рақибни ҳолидан хабар олди ва у билан дўстона суҳбатлашгани орада гина қолмаганини бутун дунё спорт нашрлари эълон қилди. Дунё биринчилигининг ярим финалида эса россиялик Максим Бабанинга ҳеч қандай имконият қолдирмасдан финалга чиқди.

Жангда мезон боксчи Брендан Барретдан тортиб олган эди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Баҳодир учун жорий — 2019 йил анча сермахсул бўлмоқда. Яъни, у кўплаб галабаларни қайд этмоқда. Жумладан, юқорида айтиб ўтганимиздек, шу йил 1-9 сентябрь кунлари Екатеринбург шаҳри мезонлик қилган бокс бўйича жаҳон чемпионати сарийосиёлик йигитнинг «бенифис»ига айлиниб кетди. Тўғри, мазкур дунё биринчилигида бошқа боксчиларимиз ҳам юқори даражада иштирок этишди. Аммо кўпчилик бокс ихлосмандларига Баҳодирнинг бу галги иштироки ва рингдаги жанглири кўпроқ манзур бўлди назаримда.

Айниқса, чемпионатнинг чорак финалида АҚШ вакили Ричард Торресни нокаутга учратгани катта шов-

Жобир ХУҲАҚУЛОВ.

► Хамид Олимжон таваллудининг 110 йиллиги

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди — дилбар шоир, иқтидорли драматург ва жамоат арбоби Хамид Олимжон ўзидан ўлмас мерос қолдирган. У ўзбек адабиётида жушқин лиризмга асосланган шеърят мактабини яратган шоирдир. Айни кунларда Хамид Олимжон таваллудининг 110 йиллиги бутун республикамиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Кўни кеча шоир таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, бир қатор зиёлилар, ижодкорлар, Хамид Олимжон ва Зулфия ижод мактаби ўқувчилари "Чигатой"даги адиб қабрини зиёрат қилишди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида эса Хамид

Олимжон ҳаёти ва ижодида бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

...Театр одамлар билан лиқ тўла. Сахнага Хамид Олимжон образида ёш актёр чиқиб келади ва қаршида дилбар шоира Зулфия пайдо бўлади. Икки дил бутун ўзбек адабиётини яшнатгани каби театр сахнасини ҳам нурга тўлдиради.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиiddин Сайид, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Садулла Ҳаким ва бошқалар адибнинг серқирра ижодий мероси, залворли асарлари, такрорланмас шеърятини ва бетақрор таржималари ҳақида сўз юритдилар.



► Боқий қўшиқлар

Хамид Олимжон

Энг гуллаган
ёшлик чоғимда...

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Кўни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.

Қучоқ-қучоқ гуллар терганим
Ва келтириб сенга берганим
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

1937 йил

Шодлик ва бахт куйчиси

Ҳар бир инсон дунёда шунчаки яшаб, узоқ умргузаронлик қилишдан кўра мазмунли ҳаёт кечирганини афзал кўриши табиий. Ҳаёт йўллари ақунлидан қолган киши ортига назар солганидан ундан жамият учун фойдали, номини тарихга муҳрайдиган ишлари борлигини кўриш унинг самарали ва мазмунга бой умр кечирганлигидан далолат беради. Ўзбек адабиётида мана шундай қисқа ва мазмунли умрини ижодга, тараққиётга сарфлаган беназир ижодкорлар талайгина.

Тақдир ҳукмига кўра эрта вафот этган, бироқ бу қисқа умр мобайнида жуда катта ижодий мерос қолдирган Хамид Олимжон ҳали-ҳануз адабиётга ошно қалблар қалбидан чиққанча йўқ. Чунки унинг бегубор ҳисларга тўла шеърлари, халқимизнинг меҳнати, ғайрати тасвирланган ҳикоя-ю, дostonлари, ажойиб таржималари ўзининг бетақрорлиги, соддалиги, халқчиллиги билан ажралиб

туради.

Хамид Олимжон адабиётшуносликнинг кўплаб жанрларида ижод қилган. Шоирнинг илк шеърий тўплами "Кўклам" 15 ёшида босилиб чиққани шеърят осмонидан ёрқин истеъдод кириб келаётганидан далолат эди. Шундан сўнг ижодкорнинг "Олов сочлар", "Пойга", "Улим ёвга" каби тўпламлари унинг энг сара шеърларидан таркиб топган. Шоир шеърятини жуда содда ва қалбга яқин ашъорлар билан лиммо-лимдир. Шоир ижодида мансуб "Урик гуллаганда", "Энг гуллаган ёшлик чоғимда" шеърларини мутлоқ қилмаган, завқланмаган китобхон бўлмаса керак.

Ижодкорни ҳеч иккиланмасдан шодлик ва бахт куйчиси, дея таъриф этсак бўлади. Унинг ҳар бир сатрида ҳаётга, оиласига муҳаббат туйғулари сезилиб туради. У қуйидаги мисраларида инсонни ширин туйғулар оғушига етаклайдиган, том

маънодаги кашфиётини кўриш мумкин:

Ҳаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Топиб бер, деб ойда ёлвордим...
Хамид Олимжон нафақат шеърят балки, халқ оғзаки ижодида ҳам салмоқли асарлар яратган. Шоир тафаккурининг бойиши, келажақда етук шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи, давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишишида онаси Комила аянинг ўрни беқиёсдир. Негаки, Комила ая бўлажак шоирга кўплаб эртаклар, ривоятлар айтиб берган ва шоир қалбида адабиётга ошуфталик жўш ура бошлаган. Буюқ фольклоршунослигига "Икки қизнинг ҳикояси", "Ойгул билан Бахтиёр", "Зайнаб ва Омон", "Семурғ" дostonлари билан ўзбек адабиётшунослигига инновацион ғояларни олиб кирди. Айнан "Алпомиш" дostonининг ҳам илк нашри Хамид Олимжоннинг тинимсиз

ҳаракатлари натижасида амалга ошди.

Бундан ташқари, Хамид Олимжон А.Пушкин, Л.Толстой, М.Горкий, Т.Шевченко, М.Лермонтов, Н.Островский, А.Корнейчук каби жаҳон адабиёти вакиллари асарларини маҳорат билан она тилимизга таржима қилиб, бугунги кун китобхонларига ўқишлик манба қилиб берди.

Орадан қанча йиллар ўтган бўлса-да, забардаст шоир ҳеч бир китобхоннинг қалбидан ўчмайди. Унинг сатрлари ҳали узоқ йиллар давомида кишиларга маърифат, зиё баҳишида этади. Унинг мазмунли умри эса ҳар бир кишга сабоқ бўла олади, у ҳаммиса биз учун нақсон ва абадий шахс сифатида хотирамизда мангу сақланади.

Қамола БОЙМУРОВА,
Самарқанд шаҳридаги 50-ўрта
мактаб ўқитувчиси.

► Молия муассасаларида

Истиқболли лойиҳалар
кўллаб-қувватланмоқда

Акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» журналистлар учун навбатдаги пресс-турни Фарғона вилоятида уюштирди. Унда 20 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди

Вилоятда айни вақтда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Фарғона минтақавий филиали, Қўқон, Марғилон, Кува филиаллари мижозларга хизматлар кўрсатмоқда. Пресс-тур доирасида журналистларга вилоятдаги банк тузилмалари эришадиган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида маълумот берилди. Унда хизматлар кўлами ва банк мижозлари сони муттасил кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Иштирокчилар Фарғона вилоятида банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан танишдилар.

Дастлабки манзил Кувасой шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган «AGRO SERVICE ASIA» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона бўлди. Банкнинг мазкур мижози музлатгич омборхонаси фаолиятини йўлга қўйиш ва иссиқхона қуриш лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 4,6 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 2,6 млн. АҚШ доллари «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан йўналтирилган. Банк сармояси хисобига замонавий иссиқхона барпо этилмоқда. Ташкил қилинган музлатгич омборхонасидан йилга 1 млрд. 800 млн. сўмлик даромад олиш, иссиқхонада етиштирилаётган маҳ-



сулотларни эса Россия Федерациясига экспорт қилиш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида жами 60 та доимий ва 150 та мавсумий иш ўрни яратилади.

Журналистлар Тошлоқ туманидаги "Vodiy Zamin Plast" МЧЖ фаолияти билан танишдилар. Корхонанинг пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси учун банк томонидан 150 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилган. Бу маблағга замонавий пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари олиб келиб ўрнатилган. Корхона йилга 1 млрд. 500 млн. сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирган. Корхонадаги ишлаб чиқариш

жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Жорий йилда Фарғона вилоятида 230 та уй-жой қурилиши «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштирилмоқда. Қуриладиган уй-жойларнинг 204 таси энергия тежамкор уйлар ҳисобланади. Бундай уйларда ишлатиладиган барча энергия тежовчи ечимлардан фойдаланишдан ташқари ёруғлик эҳтиёжларини энергия билан таъминлаш учун фотоэлектрик қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Энг муҳими, бу ускуналар ўрнатилиши билан боғлиқ харажатлар «Қишлоқ қурилиш банк» ҳамкорлари томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисоб-

бидан қопланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари Олтиариқ тумани «Қапчугай» массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилан арзон ва энергия тежамкор уй-жойларга ташриф буюриб, хонадон соҳиблари билан суҳбатлашдилар.

Данғара туманидаги "Urojay Vostoka" МЧЖнинг иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан ҳам танишилди. Мазкур лойиҳа қиймати 44 млрд. сўм бўлиб, «Қишлоқ қурилиш банк» филиали томонидан 4 млн. АҚШ доллари кредит ажратилган. Корхона йил давомида 6 млрд. сўмлик маҳсулот етиштириши ва хоризга экспорт қилишни режалаштирган. Энг муҳими, лойиҳа орқали 70 та доимий иш ўрни яратилади.

"Қўқон иқтисодий зонаси" ҳудудида фаолият юритаётган "GLORIOUS BUSINESS" МЧЖнинг велосипед ва унинг

эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам катта қизиқишга сабаб бўлди. Лойиҳа учун 300 млн. сўм миқдорида банк кредити йўналтирилган. Натижада 50 та доимий иш ўрни ташкил қилинган.

Пресс-тур иштирокчилари «Қишлоқ қурилиш банк» Қўқон филиали янги биносининг очилиш маросимида ҳам иштирок этдилар. Филиал замонавий банк технологиялари билан жиҳозланган. 24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳам қурилган. Журналистлар Қўқон филиалида мижозлар учун яратилган қулайликлар билан танишдилар ва мижозлар билан суҳбатлашдилар.

Бундай пресс-турлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам режалаштирилмоқда.

Банк Ахборот хизмати

Реклама ҳуқуқи асосида



Qishloq Qurilish Bank



HURRIYAT Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси	Бош муҳаррир Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ	Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мақтубларингизни кутамиз.	Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (0-371) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88	Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
	Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.	Адаби: 3840 Буюртма — V-3965	Топшириш вақти — 20 ⁰⁰ Топширилди — 23 ⁰⁰	Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Ҳажми 5 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нарҳда	1 2 3 4 5	Топшириш вақти — 20 ⁰⁰ Топширилди — 23 ⁰⁰	Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.	"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.